2001 ЙИЛ 20 декабр, ПАЙШАНБА

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Qishloq HAYOTI

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

№ 151 (6.364). Сотувда эркин нархда

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Тошкентда Давлат солиқ қўмитаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши кураш департаменти солиққа оид қонунбузарликларнинг олдини олишга бағишланган йиғилиш ўтказди.

● Тошкентдаги «СОРБТЕХ» ёпиқ турдаги акциoнерлик жамияти сорбентлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бугунги кунда 10 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

● Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида «Универсиада-2002» спорт мусобақаларига тайёргарлик масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Республика болалар бадиий ижодиёти марказида «Италия таассуротлари» кўргазмаси очилди. Унда мазкур марказ ўқувчиларининг Италияда бўлиб ўтган болалар ижодиёти халқаро фестивали таассуротлари асосида яратилган элликдан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда.

● Республика Олимпия ўринбосарлари коллежининг 40 йиллиги муносабати билан эркин кураш бўйича йигит ва қизлар ўртасида мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди.

● Янги йил байрами арафасида республикамиз пойтахти аҳолиси ва меҳмонларига Андижон заминининг тухфалари жўнатилди, улар анъанавий савдо ярмаркалари учун мўлжалланган.

● Тошкент давлат техника университетида «Инфомададкор» деб номланган янги жамоатчилик жамғармасининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди.

● Урганчдаги К.Исмоилов номли вилоят кутубхонасида ноёб истеъдод эгаси, шоир, мутафаккир ва моҳир таржимон Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллуд топганининг 192 йиллигига бағишланган ижодий мулоқот бўлиб ўтди.

● Фарғоналик деҳқонлар етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ортилган машиналар карвони Тошкент томон йўл олди.

ЕВРО МУОМАЛАГА КИРМОҚДА

ЖАРАЁН

Ғарбий Европада 1 январдан нақд евро муомалага киритилади. Ҳозир уни жами уч юз миллион одам ишлатадиган бўлса, яна ўн йил ўтиб бу кўрсаткич 400 миллиондан ошиши мумкин.

Қоғоз ва танга кўринишидаги янги пуллар 12 мамлакат -Франция, Германия, Италия, Испания, Греция, Португалия, Финляндия, Австрия, Голландия, Люксембург, Белгия ва Ирландияда ишлатилади. Келажакда Шарқий ва Жанубий Европадаги айрим давлатлар улар сафига қўшилиши мумкин. Ҳозир Полша, Руминия, Болгария ва Туркия евро зонасига киришга ҳаракат қилмоқда.

Евронинг илк «дунёвий тақдимот маросими» 1999 йилнинг 1 январида бўлди. Шу пайтга қадар у фақат компания ва банклар орасидагина ишлатиларди. Энди у кундалик ҳаётга ҳам кириб келаётир. Яна бир неча кундан кейин дўконларда қайтимлар евродa берилади. Шунингдек, кредит картлар ёрдамида амалга ошириладиган тўловлар ҳам евродa бўлади.

Евро зонасига кирган давлатларнинг миллий валютаси 2002 йилнинг 28 февралигача муомалада бўлади. Шундан сўнг, 12 давлатнинг миллий валютаси ўз қийматини йўқотади, ҳеч қаерда қабул қилинмайди. Франция, Ирландия ва Голландия бу муддатни кутиб ўтирмай ўз валютасини бозордан олиб чиқишга чоғланмоқда.

Халқаро ҳамжамиятни ва Европа Иттифоқи аҳолисини евро билан таништириш ишлари анча олдин бошланган. Бу ўзига хос кампания бўлди. Каттагина маблағ сарф этилди. Дастлаб таништирув учун 137 миллион евро ажратилган бўлса, кўп ўтмай бунга Европа Марказий банки яна 80 миллион қўшди. Албатта, евронинг муваффақияти маълум маънода мана шу кампаниянинг қай даражада ўтказилишига ҳам боғлиқ.

Марказий банк таништирув жараёнини иложи борича осонлаштиришга ҳаракат қилиб келади. Шу йилнинг сентябридан бошлаб қоғоз пул ва тангалар евро зонаси давлатларидаги банкларга келтирила бошлади. Ноябр ойида эса одамлар ҳукумат томонидан тарқатилган варақалар орқали еврога алоқадор маълумотлар билан танишди. Ўтаётган декабр ойида эса, гарчи, расман муомалага киритилмаган бўлса-да, нақд евро ишбилармонларга берила бошлади.

Шу ўринда юзага келиши мумкин бўлган айрим муаммолар ҳақида тўхталсак. Миллион-миллион маблағга эга бадавлат одамлар ўз пулларини «евролаштириш»да қийналиб қолмасмикан, деган савол туғилади. Гап шундаки, еврога ўтишнинг биринчи босқичида банкларга 15 миллиардлик қоғоз пул, 50 миллиардлик танга тарқатилади. Аслида шунча пулни банкларга тарқатишнинг ўзи бир муаммо. Агар пул ўз вақтида етказиб берилмаса, январнинг биринчи ҳафтасидаёқ одамларнинг чўнтаги қуриб қолади. Катта-катта корпорациялар ўз пулларини 5-6 ой ичида еврога алмаштирган тақдирда ҳам, олди-сотди ишларида англашилмовчиликлар келиб чиқиши тайин. Бу эса иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳали нақд еврони ҳамма ҳам танийвермайди. Қалбаки пул ясовчилар бу вазиятдан усталик билан фойдаланиб қолиши мумкин. Яна, олди-сотди ишларида сотувчи ва харидорлар ўртасида евро билан миллий валюталар орасидаги фарқ билан боғлиқ муаммолар келиб чиқиши мумкин. Аммо, буларнинг бари ўткинчи. Муҳими, мутахассисларнинг таъкидлашича, евро Европа Иттифоқи иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади. Нарх-навонинг ягона пул бирлигида белгиланиши маҳсулот ва хизмат кўрсатишнинг арзонлашувига олиб келади. Масалан, пул алмаштириш учун тўланадиган ҳақ йўқолади ва бу иш юритишни анча осонлаштиради. Лекин, дастлаб дўконлар нархларни ошириши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу эса харидорлар камайишига ва инфляцияга сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, еврога ўтиш сабабли кўплаб банк ва компаниялар ўз компьютер дастурларини ўзгартиришига тўғри келади. Тахминларга кўра, бундай ўзгартиришлар бир неча миллиард еврога тушиши мумкин. Аммо, евро тарафдорлари бу ҳаражатлар яқин келажакда ўзини оқлайди, деган фикрда.

(ЎзА)

МАЪНАВИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ёшларни миллий истиқлол, она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

УМРБОҚИЙ НАВОЛАР

Жумладан, миллий мусиқа санъатимизни асраб-авайлаш, асрлар оша эъзозлаб келинган маънавий қадриятларимизни ёшлар орасида кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Академияда ташкил этилган «Мозий» ўзбек халқ мақом ансамбли фаолияти ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Унинг илк концерти академия тингловчилари, санъатсевар ёшлар билан бир қаторда бу ерда ҳозир бўлган дипломатик корпус, халқаро компания ва жамғармалар вакилларида катта таассурот уйғотди.

Айтиш жоизки, ансамблнинг таркиби санъат оламига эндигина кириб келаётган истеъдодли хонанда, созанда ва раққосалардан иборат. Уни ташкил этишдан кўзланган мақсад умрбоқий ва гўзал миллий мусиқа меросимизни нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам кенг намойиш этишдан иборат. Ансамблнинг илк концертида «Сегоҳ», «Муножот», «Чўли Ироқ» сингари мумтоз куй-қўшиқлар янгради.

(ЎзА)

ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ

КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ - БУГУНГИ ҲАЗОРАСП!

ОЛТИН ҚАНОТ ҚУШЛАР УЧСИН МУСАЛЛО ОСМОНИДА

НИГОҲ

Жаҳон тамаддуни сарҳисобида "Марказий Осиёда Уйғониш даври" дея эъзозланган ўрта асрларда, демакки, Темурийлар салтанатининг гуллаб-яшнаган даврларида улуғ алломаларга бешик бўлган ватан - Ҳиротдир!

Ва уларни мангу бағрига олган замин! Мангу сажда қилгувчи ўлмас даҳоларимизнинг руҳи поклари унда абад қўним топган.

Ҳирот аҳлининг тинч ва осойишта яшаши орзусида Мир Алишер Навоий бобомиз қанчалар жон куйдирдилар. Тарих гувоҳлик берадики, ҳазрат Навоий юрт ободончилиги, раият эҳтиёжи, маънавий камолоти учун мадраса-масжидлар, шифохоналар, етим-есирлар паноҳгоҳлари, карвонсаройлар, расталар, кўприклар қурдиришга алоҳида эътибор берганлар. Биргина Мозори Шариф – Мусалло теварагида муаззам "Масжиди жоме", "Дор улҳуффоз", "Ихлосия" мадрасалари, "Сафоия" ҳаммоми, "Халосия" хонақоҳи қурдирганлар. Ҳисобларга кўра, Навоий Ҳиротда қурдирган бетакрор обидалар 400 дан ошиб кетаркан. Шоҳруҳ Мирзо, Султон Ҳусайн замонида бу ўлкада қилинган ободончиликларни ва инсон ақл-заковатининг ҳайратли маҳсуллари бўлмиш азим иморатларнинг нотинч замонлар силсиласида кунпаякун бўлганини эслаш нақадар оғир. Жоҳиллик, қабоҳатнинг ҳамон давом этаётгани сўнгги дурдоналарни-да емириб, хотирага айлантираётганлигини кўриб туриш нақадар дардли.

Дарвоқе, Мусаллони эсладик. Ул муқаддас Мозори Шарифда бизнинг улуғ аждодларимиз, юрт сўраган боболару олтин бешикларда дунёни тебратган момоларимиз абад уйқудалар. Улуғбекдек алломани вояга етказган Гавҳаршодбегим, Темурий султон Ҳусайн Бойқаро, шеърият мулкининг гултожи Алишер Навоий, улкан мусаввир Камолиддин Беҳзод ва ўн-ўнлаб машҳуру жаҳон аждодларимизнинг қабрлари шу ерда. Шу боисдан биз Афғонистон юртига ҳамиша катта ҳурмат билан қараймиз. Азиз-авлиёларнинг қадамидан ҳар қаричи муборак бўлган бу юртда тинчлик, осойишталик бўлишини орзиқиб кутамиз. Узоқ жавобсиз қолиб келаётган саволлар эса юракларни эзиб юборади: Афғонистон афғонларининг охири борми? Мусаллонинг қисмати бунчалар оғир бўлмаса, бу ерга дафн қилинганларнинг руҳлари мангу чирқирашга маҳкуммиди?

Дарҳақиқат, тарихнинг қора саҳифаларини варақлаш юракларни ларзага солади: 1506 йилда Шайбонийхоннинг Ҳусайн Бойқаро мамлакатига черик тортиб келиши обод юртни вайронага айлантирди. Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг Шайбонийхон устидан маккорлик ила эришган ғалабаси эса ўлкани буткул харобага айлантирди, Мозори Шариф беҳад топталди. Абдураҳмон Жомийдек алломанинг қабри бузилиб, ўт қўйилди. Сафавийлар сулоласи XVIII асрга келиб барҳам топди. Бироқ хунрезлик, бузғунчилик, Мусаллони топташ тўхтамади. Шаҳзодалар Дўстмуҳаммадхон билан Шоҳнавозхон ибн Аҳмадхон ўртасида тожу тахт учун талош урушлари бошланиб кетди. Шоҳнавозхон Мусалло мақбаралари гумбазларини, яъниким меҳру эътиқоддан бунёд этилган жаҳон меъморчилигининг нодир обидаларини телбаларча яксон қилди. Ҳусайн Бойқаро ётган шоҳлар даҳмаси, Алишер Навоий қабри даҳшатли замбараклар зарбидан омон қололмади. Эълон қилинмаган "афғон уруши" эса ҳаммасидан ошиб тушди. Мозори Шариф шўролар қўшинларининг ҳарбий омборларига айлантирилди. Жангу жадаллар қабристоннинг кулини кўкка совурди. Мир Алишер мақбараси гумбазига урилган снаряд, деворларига санчилган минглаб ўқлар муқаддас даҳмани ғалвир қилиб ташлади.

Бугун Афғонистонда яна бир уруш ниҳоясига етмоқда. Дарҳақиқат, дунёнинг оловли ўчоқларидан бирига айланиб қолган Афғонистон террорчиларнинг инига айланиб бўлганди. Қитъалар оша тўлғанаётган даҳшатли аждаҳонинг боши шу ерда эди. Террорчилар қатор давлатлар тинчини бузишди, халқларнинг бошига оғир мусибатлар сола бошлади. Жаҳонда етиштирилаётган наркотик моддаларнинг 70 фоизи шу юрт ҳиссасига тўғри келди. Заҳру қотил савдоси террорчиларнинг асосий даромад манбаига айланди. Мустақил Ўзбекистон ана шу аждаҳонинг оловли ўкиришларидан, ажал уруғининг тарқалишидан кўп азият чеккан мамлакатлардан биридир. Ва уни йўқотиш муаммосига дунё аҳли эътиборини тортиш учун ўз вақтида, аниқ таклифлар билан халқаро минбарларга такрор ва такрор чиққан мамлакатдир.

Афғонистонда янги ҳукумат тузилиб, ҳаётнинг ўз изига тушаётгани умид уйғотади. Президентимиз айтганларидек, биз учун Афғонистонда ҳукумат тепасига қайси томон ёки миллат вакили келади, бунинг фарқи йўқ. Муҳими, инсонпарвар ҳукумат тузилсин. Халқларимиз ўртасида яхши қўшничилик тиклансин. Шундагина боборуҳларимиз тинч бўлади, Мозори Шариф обод бўлади.

Эзгу ният йўлида амалий кўмагимизни ҳам аямаймиз. Аввало, улуғ аждодларимиз мангу қўним топган Мусаллога бор эъзозимизни бағишлашга, харобага айланган мақбараларни тиклашга, қадрлашга орзумандмиз. Маънавий гавҳарларимизнинг бебаҳо бир шодаси Афғон заминида экан, уни қадрлаш, эъзозлаш ҳам бурчимиздир. Зеро, руҳларни шод этиш сарҳад билмайди. Ҳа, Афғонистон осмонида калхатлар эмас, олтин қанот қушлар учмоғи лозим.

Олтин қанот қушлар учсин, Мусалло осмонида!

Ўктам ҚУРБОНОВ

ИПАККА ЎРАНСИН ОЛАМ, ОДАМЛАР...

САРҲИСОБ

Эзгу мақсадлар билан ишлаётган "Ўзбек ипаги" уюшмаси жамоаси йилдан-йилга ўсишга эришиб, нафисликда бетакрор, сержило миллий матомиз шуҳратини дунё бўйлаб тобора юксалтирмоқда.

Эндиликда хомашёнинг асосий қисмини тайёр маҳсулотга айлантириш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш, шу мақсадда чет элдан илғор технологияларни жалб этиш борасида дадил қадамлар қўйилди. Бир йилда пиллани қайта ишлаб, хом ипак ишлаб чиқариш ҳажми 20 фоиздан зиёдроқ ўсди. Италия билан ҳамкорликда шойи тўқиш корхоналари базасида замонавий тўқимачилик иншоотлари барпо қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

-Уюшмада чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда қўшма корхоналар қурилишига катта эътибор берилмоқда, - дейди "Пилла-холдинг" акциoнерлик компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Эркин ДЎСТОВ. – Наманганда йилига 140 тонна казна ипак ишлаб чиқарадиган Ўзбек – Япон "Силк-Роад" қўшма корхонаси, Тошкент вилоятида Ўзбекистон – Жанубий Корея "Тонмен" қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ДАВР

Республика бўйича бу йил Вазирлар Маҳкамасининг 433-сонли қарорида белгиланган 218 минг гектар ўрнига 222,5 минг гектар майдонга чигит плёнка остига экилиб ғўза парвариш қилинди ёки топшириқ 102 фоизга бажарилди.

Бу майдонлардан режадаги 691,8 минг тонна ўрнига 718 минг тонна (103,8 фоиз) пахта ҳосили териб олинди. Ҳосилдорлик гектарига режадаги 31,7 центнер ўрнига 32,3 центнер – (101,7 фоиз)ни ташкил қилди.

Янги технологияга ҳамма ерда ҳам муносабат бир хил бўлди, деёлмаймиз. Қаерда раҳбар бошчилигида янгиликни чин дилдан ҳис қилиб, виждонан ёндашилган бўлса, ўша ерда бу технология яхши самара берди ва одамларда янгиликка ишонч кучайди. Масалан, Андижон вилояти пахтакорлари 106 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,5 центнердан, Тошкент вилояти 15 минг гектардан 35,1 центнердан, Шаҳрихон тумани 6416 гектардан 41,0 центнердан, Оққўрғон тумани 2357 гектардан ва Юқори Чирчиқ тумани 1186 гектардан 36,0 центнердан пахта ҳосили олдилар.

ТЕХНОЛОГИЯНИНГ УЗВИЙ ЗАНЖИРИ

ПЛЁНКА УСУЛИ УНГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

(Давоми 3-бетда)

"ҒАЛЛАБАНК" - ИШБИЛАРМОН ҲАМКОРИ

БАНК ТИЗИМИ

Бугун Қарши шаҳрининг қоқ марказида замонавий тарзда бунёд этилган "Ғаллабанк" биноси вилоятдаги каттаю кичик фермерлару ишбилармонлар ва турли ташкилот мутахассислари билан гавжум.

Кимдир пул кўчириш, яна ким маслаҳат сўраш, янги қонун-қоидаларни ўрганиш мақсадида келган бу ерга. Уларга банк ходимлари тезкорлик билан хизмат кўрсатишмоқда. Кредит сўраб мурожаат қилган кишиларнинг кимга, қайси хужжатлар билан келиши кираверишдаги доскага эслатма тарзида ёзиб қўйилган.

- Кредитнинг бир қисмини қайтарганимни расмийлаштириб кетаяпман,-деди банк мижозларидан бири.

- Қанча қарз олгандингиз?

- Собир Бердиев номли кичик корхонам номига шу йил бир ярим миллион сўм кредит олгандим. Ишим юришиб кетди. Бешкентдаги ишхонам банкнинг ўзига ўхшаб гавжум ҳозир. Кунига беш-ўнта мижоз бор. Биласиз, бизнинг Қашқадарёда электродвигател сув чиқаришда ҳам, корхоналарда ҳам кўп ишлатилади. Шуларни созлаб мўмайгина даромад олаяпман.

(Давоми 2-бетда)

ТАЛАБЛАРИНГИЗГА БИНОАН

Бугунги суҳбатдошимиз Ўзбекистон халқ артисти Файзулла АҲМЕДОВ.

-Файзулла ака, суҳбатимиз аввалида ушбу соҳага кириб келишингиз тўғрисида гапирсангиз.

-Ёшлигимдан санъаткор бўлишни орзу қилардим. Мактабни 1955 йили тамомлаб, отамга театр ва рассомчилик институтига кирмоқчилигимни айтдим. "Бизнинг авлодда артист чиқмаган, бошқа касбни танлагин" деб розилик бермадилар. У кишининг сўзларини ерда қолдирмай Тошкент тўқимачилик енгил саноат институтига ўқишга кирдим. У ерда икки йил ўқидим. Лекин барибир санъатга иштиёқим баланд келиб ўқишимни театр ва рассомчилик институтига алмаштирдим. Ўша пайтларда Муқимий номли театрда танлов эълон қилингач, иштирок этдим. Муваффақиятли ўтиб ишга ҳам қабул қилиндим. Ишга келганимда ёш кадрлар етишмаётган бир пайтга тўғри келди. Шу сабаб курсдошларимни ҳам атрофимга чақира бошладим. Ҳусан Шарипов, Марям Ихтиёрова, Наима Пўлатова, Ҳакимжон Носиров, Бахтиёр Ихтиёров, каби тенгдошларим билан биргаликда ишладик. Қисқаси ўқиш билан ишни бир пайтда бошладим.

ТЕАТРДА СЕҲР БОР

(Давоми 4-бетда)

ҲАШАРЧИНИНГ ҲАҚИДАН ҚЎРҚМАЙСИЗМИ?

ТААССУФ

Ҳашарчи талабаларнинг ҳақи "улоқ" бўлиб кетдими? Наҳотки... Пайариқ Туманидаги "Янгиобод", Отақул Умаров номли, Бопил Ҳасанов номли жамоа хўжаликлари пахтакорларига ва шу ҳудуддаги деҳқон-фермерларга бу йилги пахта терими мавсумида Беруний номидаги Самарқанд педагогика коллежи талабалари ёрдам бердилар.

Ҳашарчиларнинг беминнат кўмаклари туфайли далалардаги пахта ҳосили ўз вақтида нес-нобуд қилинмасдан териб олинди. Тартибга кўра талабаларга терган пахталари учун ҳар беш кунда ҳақ тўланиб бориши зарур эди.

Аммо беш кун у ёқда турсин, пахта йиғим-терим мавсуми тугаганига бир ой ўтса ҳамки, пайариқлик фермерлар ҳашарчи-талабалардан бир миллион сўмга яқин миқдорда қарздордирлар.

Хўш, ҳашарчи меҳнатига яраша ўз вақтида ҳақ ололмаса, унинг қарзини ким тўлаши керак? Умуман олганда, мазкур коллежнинг ҳашарчи талабалари мавсумнинг сўнгги икки ҳафтасини қийинчилик билан ўтказишди.

(Давоми 2-бетда)

РОМАНДАН ПАРЧА

Эртасига ариза ёзди. Ишдан бўшади. Нима қиларини билмай бурчакдаги пивохонага кирди. Ичди. Ҳовури босилди... Яна ичди. Дунёни бир оз унутгандай бўлди.

Кечқурун уйига тентираб қайтди. Барнони тағин ғам босди. Бу ҳол бир ҳафтада давом этарди. Бурҳонов кунора қўнғироқ қилиб ўшқириб турди. Барно эрим қишлоққа кетган, пул олиб келади, деб ёлғон гапиришни канда қилмади. Шоир эса бошини чангаллаган кўйи чора излар, ҳеч қандай ёруғ йўл кўрмасди. Орада танишбилиш, — ёзувчи, шоирлардан қарз сўради. Айримлари ачинди, ёрдам беролмаслигини айтишди. Баъзи бировлари унинг ортидан кулди. Кўз ўнгида бир шоир турмуш икир-чикирларига ўралашиб, йўқолиб кетаётганидан севинганлар бўлди. Шунда зимистон ва аянчли кунларнинг бирида тоғаси Тошкентга келди. Қайсидир, каттаконлар жойлашадиган меҳмонхонадан қўнғироқ қилди. Етиб кел, деди. Барнонинг кўнглида ҳам умид учқунлари уйғонди. Эрига тоза кийимлар кийгизди, галстугини тақди. Туфлисини мойлади. Ёлворди, йиғлабсиқтади: "Бегона эмас, тоғамиз. Раҳбар кишида пул бўлади. Қарз сўранг. Қайтарарсиз. Бошқа чорангиз йўқлигини билиб турибсиз-ку..

КУЛИБ ТУР, АЗИЗИМ!

(Давоми 4-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА: КЕКСАЙГАНДА КЕЛГАН ДАВЛАТ | ҚИШДАН ҚАНДАЙ ЧИҚАСИЗ? | РАЖАБОЙ АЯНИНГ РАЙҲОНЛАРИ

ГУРУНГ

ЭШАГИГА ЯРАША ТУШОВИ

-Хаёл суриб қолдингиз, устоз!

Маъмуржон ака шоғирди Аъзамнинг (дарвоқе, яқиндагина фан номзоди бўлди) овозидан ўзига келди чоғи, ялт этиб унга қаради.

-Э, бу номард аканг кеча мени роса боплади.

-Нимага?

-Сўрама, ука, сўрама!

Унинг юзлари бирдан ўзгариб кетди: аввал қизариб, сўнг ҳовиридан тушди шекилли, ранги сал ўз ҳолига келди – буғдойранг тусини олди. Чидаб туролмади: ичидагисини бўшатмаса бўлмасди.

-Аканг галварсни туширмоқчи эдим (ҳа, дарвоқе, Аъзамнинг акаси Рустам билан домла тенгдош). Шу десанг, Арнасойга борувдим. Сафар баҳонасида вилоят марказига бирров ўтиб уни кўриб ўтай десам, хонасида йўқ. Котибасидан сўрасам, тушдан кейин келишини айтди. Бирдан шумлигим тутди. Унинг идораси ёнидаги ошхонага кирдим. Ошпаздан озгина гўшт суяги топиб беришини сўрадим. У ҳайрон бўлиб қаради.

-Э, укажон, уйда яхши итим бор, шунга, - дедим.

Алкисса, суякларни олдим-да яна Рустамнинг идорасига кирдим. Котибадан (у мени танирди) Тошкентга кўнгироқ қилишни баҳона қилиб, унинг кабинетига кирдим-да, ўриндиғининг бир четига ипга тизилган суякларни илдим. Котибага дўстимга саломимни етказишни ва қайтишда киришимни айтиб, Арнасойга жўнаб кетдим.

Икки кундан сўнг, тушга яқин дўстимнинг идорасига кириб келдим. У мени қучоқ очиб кутиб олди. Аммо сир бой бермади. Бирга овқатландик, ҳатто қўярда-қўймай қиттак-қиттак ҳам қилдирди. Кечга яқин иккаламиз ширакайф ҳолатда хайрлашдик.

-Домла, - деди шоферим йўлда, - дўстингиз совға-салом деб бир каробкани бердилар, юкхонага жойладим.

Хурсанд бўлдим, дўстим-да! Қилган ҳазилим бирдан ёдимга тушди: суякларни ўриндиғига илмасам бўларминди? Ахир унинг ёшликдаги лақаби "Ит" эди-да. Мен уни бир боплай девдим. Аммо...

Шу куни кеч соат 10 ларда Тошкентга етиб келдик. Кеннойинг, жиянларинг қувонч билан кутиб олишди. Аёлларни биласан-ку, совға бўлса яйраб кетади. Катта каробкадан кеннойинг хурсанд. Ҳали ўтирмасимдан жиянларинг билан совғани очишди.

-Ие, домла, бу – эшакнинг эгари билан жабдуғи-ку?

Пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди. Дўстим ҳам мени боплаганди. Ахир менинг ёшлигимдаги лақабим "Эшак" эди-да!

Нодир НАЗРУЛЛО

ЎҒРИ ҚАРИСА...

Машинасини созлаётган Муроднинг ёнига қадрдон дўсти Икром келиб қолди. Улар ўзаро суҳбатлашарканлар, гап мавзуси айланиб ҳозирги замондаги нафаси ўткир экстрасенсларга бориб тақалди.

- Яқинда Оҳангарондан бир аёл чиқибди, - деб қолди Икром. - Тузатмаган касаллиги-ю, топмаган ўғирлиги йўқ эмиш. Иссиқ-совуқ қилишда ҳам ягона эмиш. Агар истасанг, ишингни юриштириб юборувчи тумор ҳам қилиб бераркан.

- Қўйсанг-чи, - деди Мурод энсаси қотиб, - Наҳотки шунақаларга ишонсанг? Гирт лўттибоз-ку булар. Ишонтириб, пулингни шилишни қойиллатадилар холос.

-Йўқ, дўстим, буниси бошқача экан. Одамларнинг айтишича, харомдан ҳазар қилар экан, хатто, даволагандан сўнг ҳам ўзинг кўнглингдан чиқариб бир нима бермасанг, сўрамасакан ҳам. Жудаям покдомон аёл экан. Менинг бир қўшнимни боди бор эди. Уч-тўрт сеансдан сўнг, кўрмагандек бўлиб кетибди. Бунга нима дейсан?

Мурод индамади. Бироқ, кўнглининг бир четига анчадан буён ошқозони оғриётган хотинини мана шу аёлга бир кўрсатиб олишни тугиб қўйди. Кунлар кетидан кунлар ўтиб, ниҳоят Оҳангаронга йўл олдилар. Икром ҳам уларга ҳамроҳ эди. У йўл бўйи тинмай экстрасенс аёлнинг кароматли хислатларини мақтар, унинг покдомонлигини, шу ёшгача бирон маротаба гунохга қўл урмаганлигини, шу боис, Яратган ҳам уни тақдирлаб, мана шундай хислат ато этганлигини ва у бу сўзларни ишончли бир одамдан эшитганлигини сўзлаб, Муродга ҳаммаси яхши бўлиб кетишини ҳикоя эди.

Ниҳоят, тушга яқин Оҳангаронга кириб боришди. Экстрасенс аёлнинг манзилини топиш қийинчилик туғдирмади. Эшиги олдидаги турли вилоятларнинг номерлари кўзга ташланувчи турли маркадаги автомобиллар шодасидан экстрасенснинг обрўси ҳақиқатда баланд эканлиги билиниб турарди. Одам кўплигидан, Муродларнинг навбати шомга яқин келди. У хотини билан ичкарига кираркан, не кўз билан кўрсинки... маълум-у машҳур "экстрасенс" аёл ўзининг бундан ўн беш йил муқаддам бир рус йигити билан уйдан қочиб кетган ва ҳамон дараги чиқмаётган опаси эди...

Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ

ИСКАНДАРНИ КЎРГАН МАҲАЛЛА

Ургутга йўлим тушса, албатта, шаҳар марказидаги "Ғузни" маҳалла чойхонасига кириб ўтаман. Сабаби, бу ерда ҳар гал дилга яқин, меҳмондўст, самимий кишиларни учратаман. Бу сафар ҳам бир пиёла чой устида маҳалладошлар билан гурунглашиб турганимизда суҳбат мавзуси маҳалла тарихига бориб тақалди:

-Маҳалламизнинг номи қизиғ-а, - гап бошлаб қолди Собир ака носковокни кафтига ағдариб. – Кўпчилик сўраб қолади "Ғузни"-нинг маъноси нима деб. Билмаганим учун индамай қўя қоламан.

-Отам айтардилар, - дарров гапни илиб кетди Муҳаммади бува, - Ғузни асли "Ғужуми" бўлган экан. Чунки бу маҳалла энг қадимги ғузарлардан бири. Шаҳарнинг бошқа маҳаллалари ҳам шу ердан кўчиб борганлар ҳисобига пайдо бўлган. Одамлар аввалдан бу ерда ғуж бўлиб яшаганлар.

-Бошқа бир тахмин ҳам бор, - гапга қўшилди Нарзиқулов муаллим, - маҳалланинг номи билан мен ҳам анчадан бери қизиқиб келаман. Тарихий манбаларда Ғазнавийлар сулоласидан бўлган Султон Маҳмуд анча фурсат Қорахонийлар пойтахти Самарқандда Қодирхон ҳузурида меҳмон бўлади. Узоқ вақт Самарқанд яқинидаги қишлоқларда яшайди. Шунда Султон Маҳмуд ўз Ватани Ғазни номини шу музофотлардан бирига берган бўлиши мумкин.

-Тўғри айтасиз, малим, - уни қўллаб-қувватлади Ўткир ака, - маҳалламиз жудаям қадимий. Искандар Зулқарнайн ҳам шу ерлардан ўтган дейишади. Илгари Ургут бегининг қўрғони ҳам шу яқин-атрофда бўлган Ҳозирги қўрғон шифохонаси ўрнидаги мустаҳкам қаҳа чор Россияси босқини даврида беаёв тўпга тутилган. Улар тўп ўрнатган қадимий сайилгоҳ адирлар ҳозир тўпхона деб аталади.

-1868 йил 11 май куни, - ҳамсуҳбатининг гапини тўлдириди муаллим, - генерал Абрамов 8 минг кишилик қўшин билан Ургут устига қўшин тортади. Хусайнбек бошчилигида мудофаачилар охирги томчи қонлари қолгунча она юртларини ҳимоя қилганлар. Бекнинг ўзи ҳам икки ўғли билан босқинчиларга қарши жангда шаҳид кетади.

Чор аскарлари Самарқанд шаҳрини 7 та тўп билан олишган. Ургутни эса ўн иккита тўп билан зўрға олишган экан, - мавзуни давом эттирди Ўткир ака.

-Манави масжидни кўряпсизми, - суҳбатга аралашди маҳалла имоми Мулла Тўйчи бобо, - бу масжидни 5 йил аввал бошқатдан қурдик. Бундан аввал ҳам шу масжид уч марта бузиб янгитдан қурилган экан. Биз янгиламасимиздан аввалги кўриниши ўша талотўп йилларда қурилган.

Хуллас, маҳалла тарихига оид суҳбат анча узоққа чўзилди. Суҳбатдошлар ўзи маҳалла ҳақида кўрган-билганлари хусусида фикр алмашди. Маҳалладагилардан бири Рофе ака гумбаздай қилиб сузилган қўлбола паловни олиб кирмаганида, суҳбат мавзуи ҳали-вери узилиб қолмаган бўларди.

Рустам БЕК

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ФАОЛ ҚАТНАШДИЛАР

Наманган вилоятидаги автокорхоналар ва автомобиль йўллари бошқармалари ходимлари вилоятда ўтказилаётган бир қатор тадбирлар ва кўрик-танловларда фаол қатнашиб келмоқдалар.

Жумладан, улар бу йил Наманган вилоят тармоқ касаба уюшмаси Кенгаши томонидан ўтказилган "Оилавий ансамбллар" кўрик-танлови, "Отам, онам ва мен" оилавий мусобақалари ва "10 ёшли болалар ўртасида мусобақалар" кўрик-танловида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

КУТУБХОНАЛАР КЎПАЙДИ

"Билимлар оммага!" шиори остида иш олиб бораётган автотранспорт тармоғи ходимлари кутубхоналар ташкил этишга катта эътибор бермоқдалар.

Жумладан, Асака автобусенгил таксилар саройида 150 минг сўмлик китоб фондига эга кутубхона ишлаб турибди. Андижондаги "Ёш автомобилчи" болалар оромгоҳига ҳам 200 та китоб сотиб олиниб, кичик кутубхона ташкил этилди.

"Самарқандтранс" уюшмасига қарашли 2522-автожамланмадагилар 600 та ҳар хил китоблар сотиб олишга 250 минг сўм сарф қилиб ўзларининг кутубхоналарини китоб билан янада бойитдилар.

О.СЎФИХОНОВ

ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

Тинчлик ва осойишталик халқимизнинг бахт-саодати, келажагимиз фаровонлиги манбаи. Бугун ер шарида бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларни жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали узатилаётган ахборотлар ва хабарлар орқали билиб турибмиз.

Шунингдек, хориж телеканалларида узатилган лавҳаларда инсоният бугун энг қалтис вазиятни бошдан кечираётганлигини англаймиз. Жумладан, Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси, кундалик нашрларда ўз аксини топаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиб, бугунги кунимизнинг мазмун-мақсади фақат тинчликда эканлигини тушуниб етаяпмиз. Ҳа, XXI асрда терроризм балоси дунёга хавф солаётган даҳшатли куч эканлигини Америкадаги 11 сентябрда бўлиб ўтган воқеадан сўнг ер юзи аҳли фаҳмлаб улгурди. Бунинг устига Афғонистонда террорчилар жойлашиб олганлиги, уларга толиблар бошпана бериб, ҳимоя қилганлигини алал-оқибат, бутун тинчликсевар кучлар терроргa қарши кураш бошлаганининг қисқа вақт ичида гувоҳи бўлдик. Ҳозир ҳам терроризмга қарши кураш давом этаяпти. Бунда жаҳоннинг илғор давлатлари тутган йўлни терроргa қарши бўлган барча халқлар қўллаб-қувватлаяпти.

Бугун ҳар биримиз ўз уйимиз, ўз ватанимизда тинчлик ва фаровонлик бўлишини истасак, бу ердаги осудаликка дарз кетишига сира ҳам йўл қўймаслигимиз керак. Бунинг бирдан-бир йўли ҳушёрлик, ҳар қандай ҳолатда ҳам ватан осойишталигини эсдан чиқармаслик, шу ерда керак бўлса, жонни фидо қилишга чоғланиш туйғуси ҳар биримизда шаклланиши керак.

Яқинда чоп этилган Президентимиз Ислом Каримовнинг "Тинчлик учун курашмоқ керак" деб номланган китобида шундай жумлалар бор: "Афсуски, бизнинг онгимизга тинчликни таъминлаш – бу давлатнинг, чегарачи ёки милиция ходимларининг, хавфсизлик идораларининг иши, деган нотўғри тушунча ўрнашиб қолган. Албатта, бу масалага, авваламбор, мана шу ташкилотлар жавобгар. Лекин, тинчлик-осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётий заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак".

МУНОСАБАТ

Назаримда Юртбошимиз аниқ-тиниқ қилиб билдирган ушбу фикри замирида шундай маънони уқмоғимиз лозим; тинчлик учун курашмоқ, энг аввало, ҳар бир кишининг ўз уйида, ўз ҳовлисида, маҳалласида осойишталикни ҳимоя қилмоқдан бошланади. Яъни, ҳар бир юртда осойишталик бўлса, ўша юртда яшаётган одамларнинг кўнгли хотиржам экан, демак, ер юзида тинчлик барқарор бўлади. Инсоният бахт-иқболи ер юзида тинчлик ҳукм суришига бевосита боғлиқ.

Бугун биз ўз Ватанимизни ҳимоя қилишимиз учун фақатгина ҳарбий қисмларда ёки ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларида ишлашимиз шарт эмас. Энг аввало, ўзимиз ҳар куни шу ватан тараққиёти учун нима ишларни амалга ошираяпман, шу ўтаётган кунларнинг қадрига етаяпманми, деган саволни бериб кўрсак кифоя.

Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар, деган нақл бор. Агарким, эртанги кунимиз янада ёруғ бўлишини истасак, истиқлолимизни, тинчлигимизни қўлдан чиқармаслик учун бир-биримиз билан елкадош бўлишимиз зарур. Ҳар қандай унсурлар, жиноий хатти-ҳаракатларни кўрганда бепарво бўлмаслик, билаъкс нохуш ҳолатларнинг олдини олишга уриниш ҳам ҳар қайсимизнинг виждон ишимиздир. Энг аввало, барча муваффақиятларимиз гарови тинчлик эканлиги ёдимиздан чиқмасин.

Мамасоли ҲАЙДАРОВ,
Ромитан тумани прокурори.

"БАҲРАМАНД"ДАН КЎПЛАР БАҲРАМАНД

Қамаши туманидаги "Баҳраманд" саноат-савдо корхонаси жамоаси аъзолари бу йил "Ташаббус – 2001" кўрик-танловининг вилоят босқичида "Энг яхши тадбиркор" йўналиши бўйича ғолиб чиқиб, Қашқадарёда биринчи ўринни (2000 йилда мамлакатда иккинчи ўринни) эгалладилар.

Аҳоли ва хўжаликлардан қоракўл ҳамда мол терилари, турли мўйналар харид қилиб, уларни қайта ишлаб, турфа бичимдаги кийим-бошлар тайёрлашга ихтисослашган мазкур корхонанинг доврўғи эндиликда вилоят ва мамлакат сарҳадларидан ошиб, хорижий давлатларгача етди.

"Баҳраманд"нинг Баландчайла қишлоғи яқинидаги ишлаб чиқариш мажмуи четдан қараганда унчалик эътиборни жалб этмайди. Лекин, бу ерда цехларга ўрнатилган замонавий ҳамда серунум хориж машина ва техникаларини қишлоқ ёшлари бемалол бошқаришаяпти. Корхонада фақат махсус буюртмалар асосида юқори сифатли маҳсулотлар тайёрланаётганлиги учун ҳам уларнинг аксарият

ТАРАҚҚИЁТ

қисми чет эллардаги харидорларга юборилмоқда.

Шунингдек, ҳозирнинг ўзида корхонада 100 хилгача бичимдаги эркаклар ва аёллар бош кийимлари, 20 хилгача моделдаги чарм ва мўйна буюмлар тайёрлаш имконияти мавжуд.

-Қирқ йил теричилик билан шуғулланган падари бузрукворимиз Ҳомид бобонинг ишини давом эттираётганимиздан ниҳоятда миннатдормиз, - дейди корхона раҳбари А.Чўллиев. – Бундан буён ҳам ишлаб чиқаришнинг амалдаги қамрови билан чекланиб қолмоқчи эмасмиз, ҳали худо хоҳласа, келажакда халқ истеъмоли моллари тайёрлашни йўлга қўямиз, кўплаб ишчи ўринлари яратамиз, жаҳон бозорини забт этамиз.

Айни пайтда "Баҳраманд"нинг кучи билан туман марказида янги йўналишдаги яна бир улкан кошона барпо этилаётир. Шунингдек, кўрилган фойда ҳисобидан ижтимоий ҳимоя ва хайр-саховат тадбирларига миллионлаб сўмлар йўналтирилмоқда. Жумладан, туман шифохонасини таъмирлашга, юқори синфларнинг аълочи ўқувчиларини рағбатлантиришга ажратилган йирик маблағлар бунга якқол мисолдир.

Бердиёр ЖУМАЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Тошкент вилоятидаги "Таъминотчи-Пахта" очиқ ҳиссадорлик жамияти "Кейс" ҳамда "Магнум" тракторлари учун эҳтиёт қисмларини етказиб беради. Жорий йилда ҳам 16 миллион АҚШ доллари миқдорида шартнома тузилган бўлиб, унга мувофиқ Нидерландия ва Голландиядан олиб келинган эҳтиёт қисмлари билан "Таъминотчи-Пахта" хўжаликларни таъминлаб келмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Очиқ ҳиссадорлик жамияти ишчилари Ботир Ажимуродов, Шавкат Мирзакаримов ва "Кейскорпорейшн" мутахассиси Зульфира Янгарова. 2. Эҳтиёт қисмлари қабул қилинмоқда.

Ш.АБДУЛЛАЕВ олган сурат

"ҒАЛЛАБАНК" - ИШБИЛАРМОН ҲАМКОРИ

(Боши 1-бетда)

- Мен ҳам беш миллион сўм кредит олиб ишимни бошлагандим, -дея суҳбатга қўшилади ўзини Қаҳрамон Қаршиев деб таништирган тадбиркорлардан бири.- Қаршининг Ўзбекистон кўчасига ўтинг, маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларини кўрасиз, улар меники, банкнинг пулига қурганман. Янги ишхонамда бугун ўн киши ишлаяпти, ҳадемай кредитни фоизи билан узаману фойдага ишлай бошлайман.

Бундай фикрларни яна бир неча кишидан эшитдик. Бино ичкарисидаги орасталик, банк ходимларининг мижозларга бўлган самимий муносабати бу ерга биринчи кирган кишининг диққатини тортади.

- Биласизми, ёшликда мана шундай катта бинода ишлаш, ҳаёлга ҳам келмаган, - деди банк филиалининг бошқарувчиси Шодиёр Эралиев биз билан суҳбатда.- Юртдаги эркинлик, янги даврнинг хосияти бу. Илгари ҳатто янги корхона очишни қўйинг, каттароқ уй қуришни бошласангиз ҳам бошингиз ғалвадан чиқмай қолар эди. Бугун эса қуринг, яратинг, бунёд этинг. Истаганча кредит берайлик деяпмиз. Банкдан қарз олиб бой бўлган кишиларни кўкка кўтариб мақтаяпмиз ҳам. Мана, сизга эркинлик.

Шодиёр Эралиев банк филиали томонидан кичик ва ўрта бизнес вакилларига катта эътибор берилаётганини эътироф этди. Банк филиали шу йилнинг ўзида ишлаб чиқариш мақсадлари учун 70 нафар тадбиркор фермерларга 116 миллион 438 минг сўм кредитлар берди. Бу маблағнинг 73 миллион 738 минг сўми бевосита банк филиалининг ўз жамғармаси ҳисобидандир.

- Ҳозир банкимиз кредитлари вилоят марказидан тортиб энг олис қишлоқларгача барча жойларга кириб бораяпти,-дея сўзини давом эттирди Шодиёр Эралиев.- Бизнес режасини пухта тайёрлаган, хужжатлари пишиқ бўлган кишиларга зудлик билан кредитлар ажратяпмиз. Масалан,шахрисабзлик Спартак Янгибоев тиббий ускуналар олиш мақсадида биздан кредит ажратишни сўради. Ўрганиб чиқсак, лойиҳа зўр, пулни пулга уриб даромад олиш мумкин. Шу куниёқ беш миллион сўм кредит бердик. Бугун тадбиркорнинг иши юришиб кетган. Ҳатто корхонасида туриб банкимизни ҳам тарғиб этяпти.

Шодиёр Эралиевнинг айтишича, пул банк ва мижоз ўртасида қанчалик тез айланса, шунчалик кўпаяди. Бу кўпайиш юзлаб янги корхоналар ташкил этилиши, минглаб кишиларнинг янги иш ўринларига эга бўлиши демакдир. Масалан, шу йил давомида берилган кредитлар натижасида тадбиркору фермерлар томонидан 166 киши учун янги иш ўринлари яратилди. Юзлаб кишиларнинг хонадонига қут- барака кирганини айтмайсиз.

Банк раҳбари бизни янги бино ва ундаги қулайликлар билан таништирди. Бинонинг кираверишидан тортиб раҳбар қабулхонасию мажлислар залигача барча-барчаси дид билан жиҳозланган. Мебеллар банк билан ҳамкорликда ишлаётган тадбиркорлардан махсус буюртма асосида келтирилибди. Иккита замонавий компьютер, заурий адабиётлар, банк соҳасидаги ўзгаришлар баён этилган хужжатларнинг барчаси мижозлар ихтиёрида.

- Буларнинг барини акциядорлик –тижорат "Ғаллабанк"-нинг республика бошқаруви раиси Икромжон Ўринбоевнинг ёрдами билан амалга оширдик, - деди Шодиёр Эралиев.- Бунёдкорлик ишларини Каршининг қўлигул усталари амалга оширишди. Ишнинг сифати ёмон эмас-а?

Дарҳақиқат бинонинг деворларию пештоқи, шифтида, ҳатто эшикларида ҳам ўз қадрини биладиган устанинг маҳорати кўриниб турибди.

- Зўр. Чет элликларни ҳам бемалол қабул қилсангиз бўлаверраркан.

- Хорижлик меҳмонларни қабул қилиш учун алоҳида зал ҳам ташкил этдик.Бу жой ишхонамнинг рўпарасида жойлашган,- деди у .

Қабулхонада банкнинг Кўкдала бўлими бошқарувчиси Алишер Сайиловни учратдик. У бошлиқни кутиб турган экан.

- Икки-уч йилдан буён лалмикор ерларда қурғоқчилик бўлаётгани кўпчиликни қийнаб қўйди, - деди банкнинг Чироқчи туманидаги Кўкдала бўлими бошқарувчиси Алишер Сайилов.- Шунинг учун Шодиёр аканинг олдига келдим. Йирик лойиҳалар бор шуларни молиялаштириш лозим.

- Албатта берамиз, жамғармада пул етарли. Фақат ўз вақтида қайтаришни кафолат беришса бас. Чунки мен учун хужжатларнинг пишиқлиги қатори кредит олувчининг юзма-юз туриб айтадиган лафзи ҳам керак-да. Ана шунда ортиқча гап-сўзга ўрин қолмайди.

- Экин унмай қолгач, одамлар тадбиркорлик билан шуғулланишга харакат қилишаяпти,-дея сўзини давом эттирди Алишер Сайилов хужжатларни ўртага қўяркан.- Савдони ҳамма ҳам эплайвермайди. Ишлаб чиқариш бўлса, ўрни бўлак. Кўринадиган ишда. Буларни ҳаммаси лафзи бутун одамлар, илгари ҳам кредит олиб муддатидан олдин қайтаришган. Ишонса бўлади.

Шодиёр Эралиев бизнес режаларни эринмасдан ўрганишга тушди. Кредитни нимани гаровга қўйиб олмоқчи, қанча муддатда қайтаради, фойда оладими йўқми, бир қарашда арзимас туюлган бошқа бир қанча жиҳатлар билан ҳам қизиқди.

- Сизга бир гап. Мижозларингизга айтинг, бой бўлиш учун кредит олишнинг ўзи камлик қилади, - деди у шогирдига танбеҳ берганча хужжатларни кредит бўлимига топширишни тайинларкан. - Пулни шундай айлантириш керакки, бир сўм ўн сўмни етаклаб келсин. Бой бўламан деган одам ишлаб чиқариш қатори савдо қилишни ҳам эпламоғи керак. Савдони билмагани учун ишлаб чиқариш қилмоқчи, кредит олмоқчи деманг, иккиниям бошини тутган кишигина банкка наф келтиради, ука. Жавобини эса эртага оласиз. Маслаҳатимни унутмай ишни давом эттираверинг.

Шодиёр Эралиев билан узоқ суҳбатлашдик. У ҳар қандай ташкилотнинг нуфузи ва эртанги кунини мутахассислар белгилашини алоҳида эътироф этди.

- Шунинг учун ҳам бу йил банкнинг биргина Кўкдала бўлими орқали 14 нафар талабага таълим кредитларини бердик, - деди у.-Насиб этса бир кун келиб улар шу банкда ишлайди-да.

Банк филиали раҳбари банкдан кредит олиб бойиб кетган фермерларнинг даласида, ишбилармонларнинг корхонасида бўлганини ҳам завқланиб гапириб берди. Гоҳида банкирликни қўйиб ишлаб чиқариш билан шуғулланиб кетгиси келганини ҳам, бугун кичик ва ўрта бизнесга берилаётган имтиёзу имкониятлар беқиёс эканлиги, бундай шароитда баҳоналарга ўрин йўқлигини ҳам яширмади.

- Даврнинг ўзи биздан фаолликни, янгиликка интилиб яшашни талаб этмоқда. Буни банкимизнинг ҳар бир ходими яхши билади. Шунинг учун келгусида ютуқларимиз янада кўп бўлади. Бунга имоним комил, - деди у сўзининг якунида.

А.ЭРГАШЕВ,
Ғ.ЭШМУРОДОВ.

ИПАККА ЎРАНСИН ОЛАМ, ОДАМЛАР...

(Боши 1-бетда)

Яқинда иккита қўшма корхона, яъни Бухорода йилига 400 тонна пиллани қайта ишлайдиган Ўзбекистон – Хитой "Бухоро – Хвашен" қўшма корхонаси, Фарғонада йилига 120 тонна ипакни эшадиган "Азия – Силк" қўшма корхоналарини ишга туширишмўлжалланмоқда.

-Баъзи вилоятларда, масалан, Сурхондарёда темир-бетон заводлари қошида қайта ишлаш цехлари очилган экан. Улар бугунги талаблар даражасидами?

-Вилоятда уюшма таркибига киритилмаган 60 дан ортиқ пиллани қайта ишловчи пиллакашлик цехлари мавжуд. Бу цехларнинг деярли ҳаммаси мослаштирилган, санитария талабларига жавоб бермайдиган биноларда жойлаштирилган. Дастгоҳлар, асосан, маънавий жиҳатдан эскирган бўлиб, уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатини назорат қилувчи асбоблар умуман ўрнатилмаган. Бундай цехларда ишлаб чиқарилган ипакларнинг сифатини белгиланган ГОСТ талаблари даражасида таъминлашнинг имконияти йўқ. Пиллани қайта ишлаш натижасида чиқарилган чиқиндиларни қайта ишлайдиган дастгоҳлар билан таъминланмаган.

Ишлаб чиқариш давомида ишлатиладиган оқава сувларни тозалаш иншоотлари мавжуд эмас, бундай цехларда ишлаб чиқариладиган ипакларга республика ичкарисида сотиб олувчи йўқ, сифати пастлиги учун уларни чет элга сотиш мақсадга мувофиқ эмас.

Юқоридаги камчиликлари учун вилоятларда ҳар хил ташкилотлар қошидаги пиллани қайта ишловчи корхоналарга "Ўзбек ипаги" уюшмаси томонидан хомашё – пилла ажратиш таъқиқлаб қўйилган.

-Экспортда маҳсулот тури, миқдори, ҳамкорлик ўрнатилган мамлакатлар борасида рўй берган ўзгаришлар нималардан иборат?

-Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни чет элга экспорт қилиш учун компания томонидан доимо изланишлар олиб борилмоқда, маҳсулот сифатининг жаҳон андозаларига мос бўлишини таъминлаш учун пиллакашлик корхоналаридаги мавжуд маънавий эскирган дастгоҳларни энг янги замонавий дастгоҳларга алмаштириш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 апрелдаги 193-қарори асосида 10 та пиллакашлик корхонасини техник қайта қуриш учун Жанубий Кореянинг "Эксимбанки"дан 15 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олинди.

Ушбу қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилса, 10 та пиллакашлик корхонасига 46 та энг замонавий пилла чувиш дастгоҳлар тўплами ўрнатилади.

Корхоналарда ишлаб чиқарилган ипаклар Хитой, Вьетнам, Афғонистон, Бирлашган Араб Амирлиги, Россия ва Италия мамлакатларига сотилмоқда.

Ҳ.САТТОРОВ тайёрлади.

ҲАШАРЧИНИНГ ҲАҚИДАН ҚЎРҚМАЙСИЗМИ?

(Боши 1-бетда)

Ҳашарчилар Пайариқ нон комбинатидан 96 минг сўм, Челак бозоридан 104 минг сўм, Наримон бозоридан 70 минг сўм, Митан бозоридан 77 минг сўм қарздор бўлгач, бу корхоналар уларга маҳсулот беришни тўхтатишган эди.

Яна шуниси ачинарлики, "Ҳотам ота", "Мусо ота" сингари бир қатор фермер хўжаликлари бир килограмм пахта учун 10-14 сўм тўлашган. Наҳотки, давлатнинг қонун-қоидалари пайариқлик фермерларга бегона бўлса? Ахир мавсум бошида бир килограмм пахтанинг нархи 22 сўм деб белгиланган эди-ку.

-Даладаги териб олинган пахталарни пунктга етказиб бериш учун ҳар бир тележкага уч минг сўмдан тўлаганмиз. Шу суммани ҳашарчилар зиммасига юклашга мажбур бўлдик, - деди фермер Ҳотам Бўронов ўзини оқламоқчи бўлиб.

"Жўрақул" фермер хўжалиги раиси Холиқул Жўлиев эса ҳашарчилардан қарзини узолмаётганига "Савдогарбанк"нинг Пайариқ туман бўлими томонидан "ресурс йўқ" деган баҳона билан пул берилмаётганлигини рўкач қилди. "Сайдам бобо", "Тиркаш бобо", "Ўроқ бобо", "Ҳасан Узоқов", "Ҳотам ота" каби фермер хўжаликлари ҳам айнан шу важни ўртага қўйишмоқда.

Кўпчиликни қийнаб келаётган ушбу муаммога эҳтимол туман ҳокимлиги бирор чора топар, деган умидда уларга мурожаат қилдик. Аммо улар "бажарамиз, ҳаммасини бир зумда қойиллатамиз" деган ваъдабозликдан нарига ўтишмади.

Хуллас, мавсум тугаб, қиш чилласи яқинлашаётганига қарамасдан, териб берилган пахталари учун ҳашарчи талабаларнинг ҳақлари тўланмай қолмоқда.

Уйғун РЎЗИЕВ

ТЕХНОЛОГИЯНИНГ УЗВИЙ ЗАНЖИРИ

(Боши 1-бетда)

Юқоридагилардан келиб чиқиб Вазирлар Маҳкамасининг "2002 йилда чигитни плёнка остига экиб пахта етиштириш масалалари тўғрисида"ги қарорини бажариш учун бундай майдонларни янгиликка интиладиган ва масъулият билан қараб амалга оширадиган раҳбарлар бошқариб келаётган хўжаликларга режалаштириш зарур.

Куйида Андижон технологияси асосида пахта етиштиришда муваффақиятга эришишнинг асосий талаб ва қоидалари келтирилмоқда:

Ер танлаш ва кузги тадбирлар. Плёнка остига чигит экиб, пахта етиштириладиган майдонлар энг аввало экинларни навбатлаб экиш тизимига мувофиқ куздаёқ танлаб олинади ва ҳар бир пайкал ижарачиларга шартнома асосида берилади. Токи, ижарачилар ерни ҳайдаш олдидан бажариладиган ишлардан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олгунгача бўлган барча агротехник тадбирларни ўз назоратида амалга оширсинлар. Ерлар ғўзапоядан тўлиқ тозаланади, ўқариқлар текисланади, дала четлари яхлитланади.

Бу майдонларда кўп йиллик илдизпояли бегона ўтлар: ажриқ, ғумай, хилол, қамиш ва бошқалар мавжуд бўлса, уларга қарши агротехник, механик, зарурият туғилса кимёвий кураш чоралари амалга оширилади. Бу ишда чизел, шихмола, шунингдек, ажриқни тарашлаб йиғиштириб олувчи махсус мосламалар ёрдамида кўп йиллик бегона ўтлар томирлари билан йиғиштириб олиниб, қуйдириб юборилади. Тупроқ агрокимёвий картограммаси маълумотларига асосланиб органик ўғитларни тўлиқ (гўнг алмашув тизимига асосан гектарига 30-40 тонна), йиллик ўғит меъёридан фосфорли ўғитларнинг 60-70 ва калийли ўғитларнинг 50 фоизи шудгор остига солинади.

Ҳайдов қўш ярусли ПЯ-3-35 ҳамда "Магнум" тракторларига тиркалган чимқирқар плуглари билан 40-45 см чуқурликда, белгиланган муддатда сифатли қилиб ўтказилади. Барча майдонларда узун базали механизмлар ёрдамида жорий текислаш ўтказилади.

Сифатли шудгорланган ва текисланган ерларда ГХ-4 ҳамда КЗУ-0,5 чизел-культиваторларнинг рамасига ўрнатилган жўяк ва эгат очгич КРХ-3,6 КРТ-4 культиваторлар ёрдамида чигит экиш йўналиши бўйича 30-35 см баландликда пушта олинади.

Ирригация ва мелиорация шоҳобчаларини таъмирлаш ва тозалаш. Кузги-қишки мавсумда очиқ зовур ва коллекторлар қатый режа асосида механизмлар ёрдамида тозаланиши, ёпиқ зовур ҳамда тик қудуқлар таъмирланиши шарт. Хўжаликлараро ва хўжалик ички ариқлари, суғориш тармоқлари механизм ва қўл кучлари ёрдамида тозаланади.

Тупроқ шўрини ювиш. Шўрланган ерлар нишаблиги ва сув ўтказувчанлигига кўра 0,03-0,08 га катталикда чеклар олиниб, гектарига 2500-3000 куб метр меъёрда сув бостириб ювилади.

Экиш агрегатларини ишга тайёрлаш. Трактор ва сеялкалар декабр ойидаёқ тўлиқ таъмирдан чиқарилади. Сеялка барабанларидан чигит тушиши махсус стендларда текширилади. Тайёр экиш агрегатлари, техник хизмат кўрсатувчи МТП ва алоҳида тайёрланган марказлашган синов майдончаларида синаб кўрилади. Бунда ҳар бир уяга тушаётган чигит сони, экиш чуқурлиги, плёнканинг тўшалиш таранглиги, четларининг тупроқ билан кўмилиши ҳамда минерал ўғитлар меъёрининг белгиланган чуқурликка солиниши текширилади. Аниқланган камчиликлар қўшимча созлашлар орқали бартараф қилинади.

Синовдан ўтган экиш агрегатлари махсус тузилган комиссия томонидан қабул қилиб олингач, бош пудратчи ва механизаторга топширилади.

Чигитни экишга тайёрлаш. Экиш учун муайян хўжалик тупроқ-иқлим шароитига мос келадиган серҳосил, сифатли тола берадиган ғўза навининг туксизлантирилган ва экиш сифати талабларига тўлиқ жавоб берадиган чигитлари олинади. Унинг сараланган, туксизлантирилган (туклилик даражаси 0,3 фоиздан, механик шикастланганлик даражаси 5 фоиздан ошмаган) уруғлик чигит замонавий "Петкус" машинасида яна қайта сараланиб "калибровка" қилинади. Экиш учун 4,5-6,0 мм ўлчамдаги, унувчанлиги 98 фоиздан кам бўлмаган чигитлар ишлатилади.

Уруғлик чигит пахта тайёрлаш заводларида марказлаштирилган ҳолда экишдан камида бир ой олдин гаммоз ва илдиз чириш касалликларига қарши бир тонна чигитга 6-7 кг ҳисобида "Бронотак" препарати билан дориланиб, қопланади ва махсус омборларда сақланади. Хўжаликларга фақат экиш мавсумида етказиб берилади. Плёнка остига экиладиган уруғлик чигитни 1 февралгача тайёрлаб қўйиш ўта муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Плёнка ишлаб чиқаришга қўйиладиган талаблар. Плёнка параметрлари 90 ва 60 см қатор ораларида 600 х 0,008 мм ва 450 х 0,008 мм бўлиши керак. Плёнка қалинлиги 0,008 мм ± 5 фоиз, плёнка эни 600±20 мм, 450±10 мм, плёнка пишиқлиги узунасига 215, кўндалангига 76 кгс/см², узилиш вақтидаги нисбий ўзгариши узунасига 340, кўндалангига 330 фоиз бўлиши шарт.

Ғўза ниҳолларини иссиқлик ҳамда ёруғлик билан яхши таъминлаш учун плёнка албатта шафоф ва тиник бўлиши талаб этилади. Хўжаликлар плёнка билан 1 мартгача таъминланиши керак.

Экиш олдидан бажариладиган ишлар. Пушта олинган майдонларда пайдо бўлган бегона ўтларни йўқотиш, тўпланган намликни сақлаш ҳамда тупроқнинг устки қатламини донадор ва майин ҳолга келтириш учун бороналаш март ойининг бошида чопиқ тракторига илинган осма бороналар ёрдамида ўтказилади. Кузда пуштаси олинмаган, шўри ювилган майдонларга эрта баҳорда пушта олиш билан бирга пушта ўртасига минерал ўғитлар ҳам солинади.

Чигит экиш. Кесаклари майдаланган, бегона ўтларнинг илдизлари ҳамда ғўзапоя ва плёнка қолдиқларидан тозаланган майдонларда тупроқнинг 0-10 см қатламидаги ҳарорат 8-10 даражага етганда плёнка остига чигит экиш бошланади.

Экиш агрегатининг экипажи 5 кишидан, яъни тракторчи ва 4 нафар назоратчидан иборат бўлади. Назоратчилар муштукларнинг ҳолатини, плёнка четлари кўмилишини, экран кенглигини, чигитнинг уяга тушишини текшириб борадилар. Улар чигит бункеридаги белги-чизиқчага қараб ҳар бир экиш барабанидаги чигит сарфини ҳам назорат қилади. Назорат аниқ бўлиши учун экиш барабанларидаги муштуклар номерланади. Ҳар бир уяга 3-4 донадан чигит тушади ва унинг сони дозатор ёрдамида ростланади.

Экиш агрегатлари 2 сменада ишлатилади. Бунинг учун улар тракторчига сигнал бериш мосламаси ва камида 5 та ёритгич билан жиҳозланади.

Чигит плёнка остига Андижон механика заводида ишлаб чиқарилган сеялкаларда 60х30-2х12-1 схемада қўшқатор, 90х12х0-1, 90х15х1-2 ва 60х15-1 схемаларда якка қатор қилиб 3-4 см чуқурликка экилади.

Ва 60х12х0-1 экиш схемалари ва шунга мос схемалар жойнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Экиш схемасига қараб бир гектарига 45-50 кг уруғлик чигит ва 56-57 кг шаффоф плёнка сарфланади. Экиш сўнгида даланинг боши ва охиридаги уват қисмлари қўшимча юмшатилиб, қайтадан пушта олинади ва кўндалангига экиб қўйилади. Экиш билан бирга йиллик меъёрга нисбатан азотли ўғитларнинг 25-30 фоизи, фосфорли ўғитларнинг 15-20 фоизи қўшқаторнинг ўртасига, якка қаторлаб экишда эса уяларнинг 10-12 см ёнига, ҳар икки ҳолда ҳам 15-17 см чуқурликка солинади.

Экиш сифатини назорат қилиш. Экиш жараёнида плёнканинг ёпилмай қолган четлари тупроқ билан кўмилади. Сеялка эколмаган, плёнка тўшалмай қолган дала ва ўқариқлар четига қўлда плёнка тортиб, чигит экилади. Бунда уялар устидаги тупроқ қалинлиги плёнка сатҳи билан тенг баландликда бўлишига алоҳида аҳамият берилади.

Ижарачилар уруғлик экилган майдонларда чигитнинг кўмилишини назорат қилади. Чигит униб чиққандан сўнг далани яна бир бор текшириб, оласини тўлдиради.

Яганалаш ва кўчат қалинлиги. Яганалаш ғўзада 1-2 дона чинбарг пайдо бўлганда бошланади, қўшқаторда ҳар уяда 1 донадан, якка қаторда 1-2 донадан соғлом, дуркун ўсаётган ва тез ривожланаётган ўсимликлар қолдирилади. Бунда кўчат қалинлиги гектар ҳисобига якка қаторлаб экилганда 100-110 минг, қўш қаторлаб экилганда эса 125-140 минг тупни ташкил қилади.

Ғўза қатор ораларини ишлаш. Ғўза қатор ораларига биринчи ишлов беришда культиваторнинг ҳар бир грядилига жиҳозлаш плёнкани йиртиб ёки очиб юбормайдиган қилиб ростланади ва 2 тадан ККО 5-6 см, 2 тадан наральниклар 8-10 см, биттадан ғозпанжа 12-14 см чуқурликка ўрнатилади ва трактор биринчи тезликда ишлайди.

Баҳор серёғин келган йилларда биринчи культивациядан кейин эгат ўртаси 18-22 см чуқурликда чизел культиваторлар ёрдамида юмшатилади. Кейинги культивациялар қатор оралари кенглиги 60 см бўлган пайкалларда четки ишчи жиҳозлари 6-8 см, ўртадагилари 12-14 см, 90 см бўлганда эса тегишлича 8-10 ва 15-16 см чуқурликда ўтказилади.

Ғўзанинг ўсув даврида қатор ораси механик таркиби енгил тупроқларда 5-6, ўрта ва оғир тупроқларда 6-8 марта ишланади.

Плёнкани йиғиштириб олиш. Плёнкани йиғиштириб олиш ишлари об-ҳавонинг қандай келишига қараб сизот суви яқин жойлашган майдонларда май ойининг охирида ва чуқур жойлашган шунингдек, адирли қуруқ ерларда узоғи билан июннинг биринчи ўн кунлигида амалга оширилади. Бу муддат ғўзанинг ялпи гуллаш даврига ёки кунлик ҳарорат 35-37 даражага етган даврга тўғри келади.

Плёнкани йиғиштириш жараёнида унинг бирор бўлаги ҳам далада қолиб кетишига йўл қўймаслик лозим. Шунингдек, плёнка олиниши билан кетмакет культивация ўтказилиши керак.

Ғўзани озиқлантириш. Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри тупроқ агрокимёвий картограммаси ва режалаштирилаётган ҳосил миқдорига қараб белгиланади. Бунда экилаётган ғўза навларининг биологик хусусиятлари ва озуқа элементларига бўлган талабини эътиборга олмоқ керак. Ҳар гектаридан 35-40 центнердан ҳосил етиштириш учун ўғитларнинг йиллик меъёри барча унумдор ва шўрланмаган ерларда гектарига соф ҳолда азот 250, фосфор 175 ва калий 125 кг талаб қилинади ва уларнинг нисбати 1:0,7:0,5 бўлади. Лекин, етишмаган ўғитлар миқдори маҳаллий ўғитлар (гўнг) ҳисобига тўлдирилиши шарт.

Ўғитлар йиллик меъёрининг кузги шудгор остига ва экиш билан солинган қисмидан қолгани вегетация даврида 2 муддатда берилади.

Вегетация даврида ўғитлар эгат ўртасига камида 12-15 см чуқурликка солинади. Бу агротехник тадбир самарали бўлишига эришиш учун озиқлантиришни мамлакатимизнинг кўпгина минтақаларида 20 июнгача тугатиш керак.

Ғўзани суғориш. Суғориш меъёри гектарига сизот сувлари чуқур жойлашган тупроқларда ғўза гуллагунча бўлган даврда 700-800 куб метр, гуллаш-кўсак тугиш даврида 800-1000 куб метр, сизот сувлари яқин жойлашган ерларда тегишлича 600-700 ва 700-900 куб метр бўлиши керак.

Ернинг нишобига ва сув ўтказувчанлик хусусиятига кўра қатор ораси кенглиги 60 см бўлган ғўза пайкалларида ҳар 50-60 метрда, қатор ораси 90 см бўлганда эса ҳар 70 метрда ўқариқлар олиниши ва суғоришни куну тун ташкил қилиш зарур. Ғўзани гуллаш давридаги суғоришни шарбат усулида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ғўзани чилпиш. Чигит плёнка остига қўшқатор усулда экилганда ҳар бир туп ғўзада 2 донадан кўсак ва 11-12 дона ҳосил шохи, якка қаторлаб экилганда эса 3 донадан кўсак, 13-14 донадан ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпинади.

Ғўза зараркунанда ва касалликларига қарши кураш. Ғўзага зарар келтирадиган трипс, шира, оққанот, ўргимчаккана, турли тунламлар, кўсак қурти каби зараркунанда ва ҳашаротларга қарши иложи борича биологик (трихограмма, габроракон, олтинкўз ва бошқалар) усуллардан фойдаланиш керак. Бунинг учун феромон тутқичларини системали равишда ишлатиш шарт. Зарур ҳолларда эса кимёвий усуллардан фойдаланилади.

Ғўза дефолиацияси. Ғўза баргини тўктиришда мавжуд кўсакларнинг 55-60 фоизи очилганда "Магний хлорати" дефолиантидан фойдаланилади. Бунда, дефолиация қилиш ғўзанинг биологик ҳолати, баргининг кўп ёки озлиги, ҳавонинг ҳарорати ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш. Пахта терими ғўза тупларидаги кўсакларнинг 70-80 фоизи очилганда бошланади, иккинчи терим эса шундан 10-12 кун ўтгандан кейин ўтказилади.

Андижон технологияси асосида ғўза парваришланганда ҳосил жорий усулга нисбатан 20-25 кун эрта етилади, эрта йиғиштириб олинади ва ҳар гектаридан 7-8 центнердан қўшимча ҳосил олиш мумкин бўлади. Натижада ерни ҳайдаш, текислаш ва кузги донни очиқ майдонларга қулай муддатларда экиш ҳамда ерларни келгуси йил ҳосили учун эрта муддатларда тайёрлашга пухта замин яратилади.

Ш.НУРМАТОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори.
О.ЁҚУБЖОНОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

СЎЗ ВА ИШ БИР БЎЛСА

Маълумки, мазкур туман Чирчиқ дарёсининг энг қуйи қисмида жойлашган, ер ости сувлари жуда яқин бўлганлиги боис экин майдонлари ўта заҳкаш. Аксарият хўжаликлардаги ерлар сатҳи қишин-ёзин билч-билч лой бўлиб ётади.

Шунинг учун бу ерда бегона ўтларнинг ҳамма тури учрайди. Бунинг устига аксарият хўжаликларда ишчи кучи етишмаслик муаммоси ҳам бор.

-Биз туманимизнинг табиий шароитидан келиб чиқиб бундан уч йил аввал қишлоқ хўжалигини иқтисодий ривожлантиришнинг умумлашган дастурини ишлаб чиққан эдик, - дейди туман ҳокими Жаҳонгир Файзиев. - Ўтган йили Оқсаройда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарликларида пахтачилик масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишдан кейин ушбу дастурни қайта кўриб чиқиб, янада такомиллаштирдик. Уни қўшимча бандлар билан бойитиб, янги тадбирлар киритдик ва бажарилишини кучли назорат остига олдик. Бу йил пахтачиликда эришган муваффақиятларимизга мана шу нарса асосий омил бўлди.

Хўш, дастурда нималар белгиланган эди? Кўп нарса. Лекин энг асосийси, мелиорация ишлари билан кузги-қишки тадбирларни кечиктирмасдан ўз вақтида амалга ошириш қатъий қўйилганди. Бунинг учун ялпи ҳудуд бўйича 3700 километрлик ариқ-зовурлар тўлиқ тозалаб чиқилди. Хўжаликлардаги ва четдан жалб қилинган 33 та экскаваторларнинг иш режими намунали ташкил этилди. Экин майдонларини ғўзапоядан тозалаш, шудгорлаш, текислаш ҳамда белгиланган ерларга пушта олиб қўйиш ўз

ТАҲЛИЛ

муддатида амалга оширилди. Илгари, тўғриси, шароит нуқтаи назаридан бу тадбирларнинг ҳаммасини куз фаслида амалга оширишга улгуриб бўлмас, улар то баҳоргача чўзилиб кетарди. Ўтган йили кузги саъй-ҳаракатларнинг натижаси мана бу йил яққол кўзга кўринди. Эрта кўкламда кўзбўямачилик қилмасдан 1300 гектар майдонга чигит тўлиқ плёнка остига экилди. Очиқ майдонларга ҳам пуштага экиш яхши самара берди. Кўчатларни текис ундириб олишга, яганага, агротехник ишловларга, минерал ўғитлар танқислиги учун маҳаллий ўғитлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу саъй-ҳаракатларнинг ялпи натижаси сифатида бу йил Қуйи Чирчиқда кўпдан буён биринчи марта ҳар доимгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Давлатга мавжуд 12 минг 850 гектар майдондан режадаги 34 минг 470 тонна ўрнига қарийб 34 минг 500 тонна сифатли хом ашё сотилди. Бунда алоҳида ва яна қайта-қайта таъкидлаш керакки, туманнинг илғор туманлар сафига қўшилиб олишига фақат, фақат бир нарса – ўтган йили кузги-қишки тадбирларни ўз муддатида сифатли қилиб амалга оширилиши асосий омил бўлди. Бошқа янгилик ҳам ёки бирор илғор тажриба ҳам яратилгани йўқ. Бу омилларга алоҳида амал қилган тумандаги, илғари қолоқ ҳисобланган "Ўжакент", "Янги ҳаёт", "Дўстлик" ва М.Улуғбек номли ширкат хўжаликлари ҳам бу йил катта муваффақият қозондилар. Шу ўринда кузги-қишки тадбирларнинг бажарилишини турли баҳоналар билан пайсалга солган кўплаб хўжалик раҳбарларига ҳам қаттиқ чоралар кўрилганлигини, ундай қадрларнинг баҳридан ўтилганлигини ҳам айтиш керак. Масалан, кузги тадбирлар моҳиятини англамаган М.Улуғбек номли ширкат хўжалигининг аввалги раҳбари вазифасидан олиб ташланди. Ўрнига қишлоқ хўжалигини яхши тушунадиган ёш мутахассис Зокиржон Рустамов раис этиб тайинланди. Янги раис, айтиш мумкинки, бир йилдаёқ хўжаликни қолоқликботқоғидан олиб чиқди. Пилла, ғалла ва пахта бўйича белгиланган давлат режалари зиёди билан уддаланди.

-Хўжаликка келиб бирон янгилик яратмадим, қилган ишим, ҳар бир тадбирни вақтида бажардик, ҳосил пойдеворини кузда қўйдик, одамларни шунга даъват қилолдим, - дейди Зокиржон биз билан суҳбатда.

Мана шунинг ўзи катта гап бўлди. Чунки бу тадбирлар туфайли ширкатнинг бир неча миллион сўмлик қарзи бир йилдаёқ узилди. Аҳолига 435 тонна ғалла тарқатиб берилди. Буҳадича Туленова, Марат Қосимбеков ва Хидир Амиров сингари оила пудрати соҳиблари ўз ихтиёрларидаги ерларнинг ҳар гектаридан 35-40 центнердан ошириб пахта ҳосили олдилар. Бу йилги манфаатдорлик кўнгилдагидай бўлганлиги учун ширкат аъзолари, фермерлар ҳозирданоқ келгуси йил тадоригини кўришмоқда. Ҳали ҳам одамлар далада, шудгорлаш ишлари ернинг оби-тобида ниҳоясига етказилди. Ғалла майсалари озиқлантирилмоқда. Ариқ-зовурларни тозалаш, маҳаллий ўғит жамғариш, бошқа кузги-қишки тадбирлар авжида. Раиснинг иш столидаги ойна остида хўжалик ерларининг умумий харитаси турибди. Унда янги йилгача текисланиши керак бўлган майдонлар, озиқлантириладиган ғаллазорлар, плёнка учун ажратилган ерлар, тозаланиши керак бўлган ариқ-зовурлар турли бўёқларда акс эттирилган. Бундай харита тумандаги ҳамма хўжалик раҳбари қўлида бор. Тадбирларнинг амалга ошириш муддати эса қатъий белгиланган. Назорат шунга яраша – талаб шу асосда. Мақсад эса битта. Бугунги ишни баҳорга қолдирмаслик. Зеро, бунга йўл қўйиш келгуси йил ҳосилини бой бериш дегани. Бу ҳақиқатни бугун Қуйи Чирчиқда ҳам, бошқа туманларда ҳам, умуман, вилоят бўйича яхши билишади.

Иброҳим ТОШЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

"ШУРОХОН"ЛИКЛАР ШИЖОАТИ

Тўрткўл туманидаги "Шурохон" ширкат хўжалиги деҳқонлари поёнига етаётган йилни барча соҳаларда яхши кўрсаткичлар билан якунламоқда.

Сув тақчиллиги юз берганлиги сабабли мавжуд 1312,5 гектар ўрнига 1,262 гектар майдонда деҳқоничилик қилинди. 977 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 23 центнердан "оқ олтин" йиғиштириб олинди. Давлатга 246 тонна юқори навли пахта сотилди.

Ширкат аҳли ўтган мавсумда ғалла топшириш шартномавий режасини 225 фоизга ҳаддалашди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Тўрткўл туманида тайёрланган жами 2777 тонна буғдойнинг 600 тоннасини "Шурохон"ликлар етказиб беришди. 260 гектар ерга кузда экилган ғалланинг ҳам ривожи яхши. Экинлар вақтида суғорилиб, озиқлантирилди.

Умуман, ширкат хўжалигида пилла, полиз-сабзавот маҳсулотлари, мева, узум топшириш шартномавий режалари ҳам анча барвақт бажарилди. Шундай қилиб, деҳқончиликдан 267 миллион сўм даромад қилинди.

-Йил якунлари синчиклаб сарҳисоб қилинаяпти, - дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Султонбой Камолов. – Қўлга киритилган ютуқлар билан бирга сувдан,

ИЗЛАНИШ

маҳаллий ўғитдан оқилона фойдаланиш ҳамда шудгорлаш ва ерларни текислаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Уларни бартараф қилиш йўллари ўрганиб чиқилди. Шудгорлаш, ерларни кафтдек текислашга барвақт киришилди. Ҳозиргача минг гектардан ортиқ экин майдонлари етарли чуқурликда сифатли қилиб шудгорланди. 530 нафар оилавий пудратчилар дала бошига маҳаллий ўғит чиқариш, ер текислаш сингари юмушларда фаол қатнашмоқда. Хўжаликда шунингдек, техникаларни экиш мавсумига сифатли қилиб тайёрлашга асосий эътибор қаратилган. Деҳқоннинг асосий қўл-қаноти бўлган техникаларни созлашни келаси йил биринчи февралгача тамомлашни ният қилиб қўйганмиз. Бунинг учун устахона ходимлари ва механизаторларга барча зарур шароитлар муҳайё қилиб қўйилган.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.



Икром Бўронов Қоровулбозор туманидаги 37-сон кўчма жамланмасининг илғор бульдозерчиларидан бири ҳисобланади. У ўзи бошқараётган темир тулпорини ҳамиша соз ва бенуқсон ишлашини таъминлаб келаяпти.
СУРАТДА: бульдозерчи И.Бўронов.

И.САТТОРОВ олган сурат.

ФАРИШТАЛИ ЮРТ

Бизнинг Абу Али ибн Сино номидаги санаториймиз, асосан, инсон ҳаракат органлари ва қон айланиши билан боғлиқ касалликка дучор бўлган беморларни даволашга мўлжалланган.

Табиийки, бундай хасталиклар кўпинча ёшлари улуғ, кекса кишиларга хосдир. Шу боисдан жамоамизда фаолият кўрсатаётган шифокорлар азиз қарияларга алоҳида меҳр билан муносабатда бўладилар.

Ўтаётган йилимизда санаториймизда биргина Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан 320 нафар аёл соғломлаштирилди.

Кириб келаётган янги – 2002 йил "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилинди. Шубҳасизки, ҳаётимизнинг мазмунан бир-бирини тўлдириб бораётган олтин халқалари яна бир кўҳинур билан зийнатланадиган бўлди.

ЭЙ, УМРИ АЗИЗ

"Қариси бор уйнинг – париси бор", дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, фаришталы юртдагина кексалар эъзозланади, уларнинг узоқ ҳаётий тажрибалари асосидаги донишманд ўгитларига қулоқ тутилади.

Жамоамиз таклифни муҳокама этиб, атрофлича ўрганиб тегишли хулосалар чиқарди. Барча имкониятларимиз – родонли сув, шифобахш лой, замонавий техник асбоб ускуналар, бир ва икки кишилик шинам хоналар, сархил таомлар, кўнгилочар кечалар, Самарқанднинг азиз жойларини зиёрат қилиш, ҳамма-ҳаммаси нуронийлар хизматида бўлади.

Хуллас, эртага ўзимиз ҳам кексарамиз, бугун нуронийларга ғамхўрлик кўрсата олсаккина, ўзимиз ҳам ёрдамга, меҳрга муҳтож бўлиб қолган пайтимизда эъзоз топамиз. Буни унутишга ҳаққимиз йўқ. Қарияларини қадрлаётган юрт эса мангу навқиродир, мангу қадрлидир.

Адолат МУСИНОВА,
Нуробод санаториясининг бош ҳакими.

ЯХШИ ХАБАРЛАР

"ГУФИК - АВИЦЕННА" ЖАҲОНГА ЧИҚМОҚЧИ

"Ўзкўргазмасавдо"да ўтказилган республика ярмаркасида "Гуфик – Авиценна" Ҳиндистон-Ўзбекистон қўшма корхонаси келгуси йил учун 47,5 миллион сўмлик шартнома тузишга эришди.

Савдо-ярмаркада қўшма корхона ўзининг 16 хил дори-дармон маҳсулотини намойиш этди. Уларнинг 6 таси эса қўшма корхона мутахассислари томонидан жорий йилда ишлаб чиқарилган янги воситалардир. Бу дори-дармон хорижликларнинг эътиборини тортди. Сифати жиҳатидан чет эл дори-дармонларидан қолишмайдиган "Гуфик - Авиценна" маҳсулотлари ҳадемай чет элга экспорт қилинади.

ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Олотдаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг янги, замонавий биносини "Бухороолқурилиш" ҳиссадорлик жамиятининг қўли гул бунёдкорлари 29 ой ичида бунёд этишди.

Ҳашаматли бино 54 та ўқув-лаборатория ҳоналари, 312 ўринли мажлислар зали, 224 ўринли ошхона ва 100 ўринли ётоқхонадан иборат. Бу ерда 750 нафар олотлик ёшларнинг таълим олиши учун барча шароит муҳайё этилган.

Ўнлаб йўналишлар бўйича кадрлаш тайёрлашга ихтисослашган ушбу коллежнинг ўқув жиҳозлари учун 151 миллион сўм сарфланди. Коллежга яқин келажакда Осиё тараққиёт банки кўмагида энг замонавий ўқув техникалари келтирилади.

"Туркистон-пресс"

ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

МУЛЛА УМАР ҚИДИРИЛМОҚДА

Қандаҳор шаҳрининг янги ҳокими Гул Оға "Ал-Қоида" ташкилотининг 80 нафар жангариси ҳибсга олинганлигини ҳамда "Толибон" ҳаракати раҳбари мулла Муҳаммад Умарни қидириш янада фаоллаштирилганлигини маълум қилди.

Унинг айтишича, ҳозирда Умарни қўлга тушириш учун махсус гуруҳ иш бошлаган бўлиб, у ўзининг 500 нафар тарафдорлари билан яширинган бўлиши тахмин этилаётган тоғнинг пана жойига ҳужумлар уюштирилмоқда. Шунингдек, айни вақтда ҳибсда сақланаётган Толибон етакчиларини халқаро ҳамжамият ихтиёрига топшириш ҳам режалаштирилган. Бугун эса шаҳарда осойишталик ҳукм сураётган бўлиб, кеча кўплаб толиблар қуролларини топширганлар.

КАРЗАЙ ЗОҲИР ШОҲ БИЛАН УЧРАШДИ

Италия пойтахти Римга ташриф буюрган Афғонистондаги ҳозирги вақтинчалик ҳокимият раҳбари Хамид Карзай ўз мамлакатининг собиқ подшоҳи ҳисобланмиш Зоҳир шоҳ билан учрашди.



Бўлиб ўтган учрашув чоғида 87 ёшли шоҳнинг январ охири феврал бошларида ватанига қайтиши ҳамда Афғонистоннинг келгуси тақдири хусусида гап борди. Ўз навбатида шоҳ гарчи ватанига қайтган тақдирида ҳам ҳеч қандай сиёсий рол бажармаслигини билдирди. Шунингдек, Карзай келаётган шанба куни Қобулга хавфсизликни, барқарорликни таъминлаш мақсадида халқаро кучлар киритилишини маълум қилди. Афтидан, уларнинг сони 5000 кишидан ошмаса керак.

"КОММАНДОС" БЎЛИНМАСИ

Ҳозирда аксилтолибон ихтиёрига ўтган Тора-Бора ҳудудида Америка ва Буюк Британия аскарлари билан ҳамкорликда тозалаш ишлари давом эттирилмоқда.

Гарчи, "Ал-Қоида" раҳбари бин Лоден ҳақида бирор дуруст маълумот бўлмаса-да, ўлганлар орасидан унинг шахси қидирилмоқда. Лекин, у Покистонга ўтиб кетган бўлиши ҳам эҳтимол. Бугун эса расмий Исломобод Афғонистон билан чегарасига ўзининг 4 минг кишилик "коммандос" ҳарбий бўлинмасини жойлаштирган. Мақсад, террорчи гуруҳ аъзоларининг ўтишига йўл қўймаслик ҳамда уларни йўқ қилишдир.

ТЕРРОР УЧУН КИМ ЖАВОБГАР?

Ҳиндистон ички ишлар вазири жаноб Адвани расмий Деҳли терроризмга қарши кескин қурашишини ҳамда ўтган ҳафта парламент биносидаги 13 кишининг қурбон бўлишига сабабчи бўлган террор ҳуружида Покистонни айблаётганини маълум қилди.

Унинг фикрича, мазкур терракт Кашмирдаги 2 та қуролли гуруҳ томонидан амалга оширилиб, уларни расмий Исломобод қўллаб-қувватлаётган экан. Лекин, Покистон тарафи ўзига қўйилаётган айбловларни рад этиб, бу учун Ҳиндистонликларда далил йўқлигини айтган. Бундан ташқари Ҳиндистон парламенти яқин кунларда терроризмга қарши курашиш борасида янги қонун лойиҳасини кўриб чиқади.

ЖУРНАЛИСТ ЖОСУСЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

Россиялик ҳарбий журналист Григорий Паско бўлиб ўтаётган ёпиқ суд жараёнида ўзига қўйилаётган айбловларни рад этди.

У Япония оммавий ахборот воситаларига махфий ҳужжатларни етказиб беришда гумон этилиб ҳибсга олинган эди. Агарда суд уни айбдор деб топса, у ҳолда Паско 9 йилга озодликдан маҳрум этилади. Шунингдек, журналист 1997 йили ҳам жосусликда айбланган ва уч йиллик қамоқ жазосини ўтаган эди. Гарчи, у ҳозирда жиноий ишни қайта кўриб чиқиш учун Олий судга мурожаат этган бўлса-да, бу сафарги суд қарори 25 декабр куни чиқади.

ТУГАМАЁТГАН МОЖАРО

"Рейтер" агентлигининг хабар беришича, Яқин Шарқ можароси тобора кескинлашиб бормоқда.

Сўнгги вақтларда Исроил қуролли кучларининг ҳужумлари туфайли Фаластин томонидан бир неча киши қурбон бўлган. Шунингдек, Ғазо минтақасида икки ўртада отишмалар юз бериб турибди.

Вазиятнинг жиддийлигидан ташвишга тушган БМТ расмий Тель-Авивнинг бугунги ҳаракатларини танқид этди ва муросага келишга чақирди. Ўз навбатида исроилликлар "ХАМАС" ҳаракатининг ҳарбий усули ўзгарганлиги, эндиликда улар кўзга кўринган жамоат жойларида террор актларини амалга оширишлари ҳақида маълумот олганликларини билдирганлар.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида
А. КАМОЛОВ тайёрлади.

КУЛИБ ТУР, АЗИЗИМ!

(Боши 1-бетда)

Кеча Бурҳонов уйингни тортиб олиш қўлимдан келади деб дағдаға қилди. Сизга айтмадим", деди. Шоир эзилди.

Тоғаси ҳашаматли хонада диванда чайқалиб ўтирарди. Ўртадаги айлана стол шоҳона тузатилган. Ичимликлар, нозне-ъматлар тур-ғури билан товланиб турибди. Шоирни дастурхонга чорлади.

— Шоир жаноблари, ишлар қандай. Бормай қўйдинг..., — тоғанинг овози гулдираб чиқди.

— Шу... юрибман.. Иш.

— Ишдан кетибсан-ку... Нима бўлди?

— Ёқмади.

— Нима? Бунақа ишга ким қанча одам етишолмай юрибди. Сенга ёқмай қолдими? Ёки айб иш қилдингми?..

— Йўқ.

— Кеча бизнинг районга ҳам мухбирларинг борувди. Суриштирсам, бўшатиб юборишди, дейишди. Ҳар хил гаплар қилишди. Мен уларингдан, билдирмай сўраб олдим. Тоғасиман, десам айтишмасди... Энди, битта ариптага танилдим деганда бу нимаси...

— Ким билсин. Шундай бўлиб қолди.

— Ким айтади сени ҳаётни, қийинчиликни, урушни кўрган бола деб. Ёш бола эмассан-ку... Катталарнинг гапирса хўп десанг, камтарроқ бўлсанг, камайиб қоласанми: Шуйтиб бекорчиман де...

— Энди...

— Эндигни кўй. Мановилардан ол. Қани... ичадиларми?

— Йўқ.

— Ҳо, шоирлар ичмаса илҳом келмайди, дейишади. Қани, ол. Ўйлама. Ҳаёт шундай. Яхшиёмон кунлар бўлиб туради. Соғлиқ бўлсин.

Тоға-жиян баравар кўтардилар. Шу пайт остонада пакана, тўладан келган, пўрим кейинган киши пайдо бўлди.

— Ғайбулла Шерматович, бориб келдим, — деди у тоғага хушомад қараш билан мулозамат қилиб.

— Яхши. Ке, ўтир.

Пакана қўллиқ дегандай қўлига кўксини қўйиб столга яқинлашди. Шоирга букилиб қўл узатди. Стулни четроққа суриб ўтирида, тоғага жавдираб қаради.

— Танишиб кўй. Шоир жиянним. Телевизорга чиғиб турадиғони шу..., — деди тоға қўлидаги олма пўстини пичоқ билан арчиркан, ликопчадан кўз узмай.

Пакана дарров шоир томонга бурилиб таъзим қилди. Илжайди.

— Бу кишини танийман. Телевизорда кўп чиғиб туради, — дедида тоғанинг ликопчаси ёнига тушган олма пўчоғини йиғиштириб олди, бўш ликопчага солди.

— Қани, сенам битта урасанми. — Тоғанинг бу гапи ўзига қарата айтилганини сезган пакана дик этиб ўрнидан туриб, шишани қўлига олди. Тоға, жиянга тавозе билан ароқ қуйиб тутди.

— Мен, Ғайбулла Шерматович, ишлар кўпроқ-ку. Ичмасам, девдим, — деди жовдираб.

Шу маҳал тоға шапалоқ тортаман деса бетини, тепаман деса кетини тутиб беришга тайёр паканага шоирнинг раҳми келди. Ачинди. Бундай қилиб, хушомад билан қандай яшаётганига ҳайрон қолди.

— Ич, кўп гапирма. Қани анови пиёлани, нима кайфинг борми, довдирайсан, катта пиёлани ол. Ҳа, шуни ўзингга қуй. Қуй. Тўлатиб қуй. Энди кўтар. Қани шоир, бир нарса де.

Шоир ҳаммага соғлиқ тилади. Бир кўтаришда ичди. Тоға ҳам шундай қилди. Катта пиёладаги лиқ тўла ароққа қараб мўлтираб турган пакана шошиб қолди.

— Ич. Нега шумшаясан, — деди тоға бир паррак газак қиларкан.

Пакана пиёлани бир кўтариб бўшатди. Бўйнини эгиб, ўриндиққа чўкди. Шу заҳоти ўрнидан дик этиб турдида, кўксига қўлини қўйиб тоғага саволомуз боқди:

— Мен боравераймми Ғайбулла Шерматович? Нима қилай?

— Шоир билан бизга қуй. Ҳозир сенга иш борга ўхшайди.

Меҳмондорчилик яхши бўлди. Ароқ таъсириданми ҳоким тоғасига шоирнинг меҳри ийди. Иккинчи шишанинг охири кўрингач гапнинг индаллосига кўчди.

— Энди жиян бир гап. Кеча уканг бор гапни энангга айтибди. Энанг уйга йиғлаб келди. Уй масаласида.., — шу жойда гапни узиб паканага ўмрайди. Пакана ғойиб бўлди, — шу жойда уй олиб қарздор бўлибсан... Хабарим бор. Тошкентда ишим бор эди... Ҳам шу масалангни ҳал қилиб кетишим керак...

Тоға шоирга тикилиб қаради:

— Содиқ! Ҳо, Содиқ,

— Лаббай, Ғайбулла Шерматович?! — пакана югуриб кирди.

— Завод нима бўлди?

— Ҳал бўлди. Жойида. Эртага пул туширамиз.

— Ҳозир шоирни уйига олиб борасан.

— Хўп бўлади.

— Шоир, уйдан қанча қарз қолди?

— Шу...

— Айт. Тез бўл чайналма... Ланжфеъл бўлма, бола. Гапир...

— Икки юз...

— Нима икки юз?

— Икки юз минг...

Тоға мийиғида кулди. Жиян ерга кириб кетай деб турибди. Содиқ пакана тоға-жиян орасидаги гапга қизиқсиниб бешиктебратардай тебранди.

— Содиқ, тушундингми, — деди тоға паканага қараб.

— Тушундим.. Тушундим.

— Бўпти, — тоға шоирга қўл чўзди. — Бу хайр, дегани эди.

Шоир тоға ёнидан қандай чиққанини билмайди. Пакананинг юзига қарай олмади. Ҳовлида салқин ва тоза ҳаводан энтикиб нафас олди.

— Ака, кетдик, ана машина, — деди Пакана қип-қизил "Нексия"га ишора қилиб.

Шоирникига жўнадилар. Шоир миқ этмади. Пакана бепарво, ҳуштак чалади.

— Каттанинг жияни бўларкан-сиз-да?

— Шундай.

— Катта зўр раҳбар. Яхши одам.

Шоир жим эди. Эшитмасликка олди. Уйга келишди. Пакана "Нексия"нинг юкхонасини очиб, ярмигача нимадир солинган ялтироқ елим халтани олиб шоирга тутди.

— Нима бу?

Пакана шоирга ҳайротомуз, бақрайиб қаради:

— Катта айтди-ку. Олинг.

— Ҳа-я, ... Уйга кирмайсизми?

— Йўқ, бошқа сафар...

Машина ўрнидан жилди. Ўралган елим халтани кўтарганча шоир анграйиб қолди. Кўз ўнгида ҳоким тоғасининг саволомуз тикилиб турган сиймоси гавдаланди. Оёққўли бўшашиб, кўзига ёш келди. Беихтиёр. "Бир куни қайтараман", — деб пичирлади. Ўзини ўнглаб ичкарига юрди ва зинапоялардан ишонч билан кўтарила бошлади.

Ичкарида жон ҳовучлаб кутиб турган Барнонинг оёғи остига пул солинган елим халтани тапиллатиб ташлади. Барно тисланди...

— Ма... Онасини.. шу ҳаётни. Ол. Бурҳонов телефон қилдими?

— Йўқ...

— Бу нима дадаси?

— Пул...

— Тоғангиз... бердиларми? Вой, Худойимга шукур-а. Энди яхши бўлади, дадаси?

— Ҳа, ўлдириб олдим.

— Вой, бу нима деганингиз?..

— Ўлдирдим...

— Нега ундай дейсиз? — Барно анграйиб турарди.

— Ўлдирдим. Ўзимни ўлдирдим.

* * *

Эртаси куни шоир Бурҳоновнинг ҳашаматли қабулхонасида ярим соат саргайди. Ҳаммадан сўнг котиба унга каттанинг ҳузурига киришга изн берди.

— Ҳа, мулла, келибдилар-да, — деди Бурҳонов димоғ билан.

У кенг, узун стол ўрнатилган хонанинг тўрида, одам бўйи келадиган қора чармли ўриндиқда юмюмалоқ бўлиб ўтирарди. Кўзлари ғазабдан йилтиллаб кетди.

Шоир довдиради. Бу ўша кунги кўрсатувни тўхтатайлик, деб ялинган, мулойим Бурҳоновга сира ўхшамасди. Шоир ўзини қўлга олди. У ҳам беписандлик билан елим халтани тарс эткизиб столга қўйди.

— Мана, оп келдим. Олинг.

Бурҳонов истеҳзоли илжайди.

— Шундайми? Ўтиринг-чи... Салом-алик, муомала деган нарса бор. Ҳар ҳолда биз акаукаларимиз. Лекин, Сиз гапимизга кирмасангиз ҳам сизга ёмонлик қилган жойимиз йўқ. Бу, ишдан ҳам кетибсиз... йигит киши бир жойда ўсади, ука. Энди шеър ёзиб шоир бўлганлар кўп. Лекин, ўша мен зўр деган шоирларингизнинг ҳам чўнтагида ҳемириси йўқ. Ёшсиз, бунча қайсарлик яхши эмас... Ахир сиз одамгарчилик қилганингизда эди, мен...

— Сиз пулни сўрамасдингиз. Сиз мени эгри йўлга бошламоқчи бўлдингиз. Мен бор нарсани яширолмайман, қолаверса, ҳақиқатдан бўйин товлай олмайман, камбағалман, лекин пора ололмайман. Мен ҳаром нон деб катта бўлмаганман...

— Бўлди қил, шоирвачча!

— Нега энди тутяпсиз?

— Бас, қанча опкелдинг... Шуни тўртта шеър ёзиб топдим, ёқи ойлигимни йиғиб олиб келдим деяпсанми? Шу пулинг ҳалолми?

— Мен учун ҳалол. Тоғамдан олдим. Санамадим ҳам. Икки юзта деди. Ичини очиб ҳам қарамадим. Бир куни қайтараман...

— Нима? Тоғажонингни мен яхши биламан. Унинг пуллари қаердан келишини ҳам яхши биламан... Сендай ҳақиқатгўйдан ўргилдим.

— Тоғамнинг қандай одамлиги билан сизнинг ишингиз бўлмасин. Лекин кимларгадир ўхшаб номардлик қилмайди. Айтган гапини қайтариб олмайди. Қолаверса, вақти соати етгач бу пулни унга қайтараман...

Кўчкор НОРҚОБИЛ

(Давоми келгуси сонда)

ТЕАТРДА СЕҲР БОР

(Боши 1-бетда)

-Мусиқали драма театрида фаолият юритиш қийин эмасми?

-Йўқ, мен болалигимда қўшиқ айтишни ёқтирардим. Далаларда хиргойи қилиб юрардим. Шу боис бўлса керак, қийинчиликни сезмайман. Мусиқали театрнинг мураккаблиги шундаки, актёр яхши овозга эга бўлиши, рақсга туша билиши, эшитиш қобилияти кучли, ташқи кўриниши ҳам талабга жавоб бериши керак. Чунки, мусиқа жанрининг компоненти кўп. Роль ўйнаб турган ҳолда оркестр билан алоқада бўлади. Саҳнадаги актёр сўзини мусиқага олиб келиб улаши керак. Ария, дуэт айтишга тўғри келади. Актёрлар қаҳрамоннинг ҳолатини гап билан очиб беролмаса, қўшиқдан фойдаланади, рақс орқали ифодалайди. Баъзан иккаласи бир пайтга тўғри келади. Шундан ҳам кўринадики, бу ерда катта истеъдод ва маҳорат талаб қилинади.

-Театрда қандайдир куч-қудрат, сеҳр бор шундай эмасми?

- Шуни айтиб ўтмоқчиманки, театрда фидойи инсонларгина ишлайди. Иссиқ жон, баъзан касал бўлиб қолишингиз мумкин, баъзан бирор ташвишингиз чиқиб қолиши мумкин, лекин саҳнада ўйнашингиз керак. Кўпинча дублёрим бўлмайди. Айрим пайтларда касалхонадан келиб ўйнаган вақтларим ҳам бўлган. Театрнинг сеҳри мана шу чоғда намоён бўлади. Саҳнага чиқишингиз билан оғриқ йўқолади... Спектакль тугайди, саҳнадан тушишингиз билан эски ҳолга қайтасиз. Менимча, театрнинг сеҳри бундан ортиқ бўлмаса керак.

-Файзулла ака, мана қарийб 43 йилдан буён театрда фаолият юритяпсиз. Шу давр мобайнида мазкур даргоҳ сизга нима берди-ю, нималарни олди?

-Театр менга устоз санъаткорлар билан ишлаш бахтини берди. Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Абдурауф Болтаев, Маҳмуджон Ғафуров, Фароғат Раҳматова каби устоз санъаткорлардан саҳна жозибаси, санъат сирларини ўргандим. Бугунги кунда устозларимизнинг ёшига бориб, театрга келсак ҳар бир ёшга қўлимдан келганча ёрдам берямпман. Нимаики олган бўлсам, ҳаммасини беришга ҳаракат қиламан.

-Устозларингиз тўғрисида гапириб ўтдингиз. Шогирдларингиз ҳам кўпдир?

-Мен айнан фалончи шогирдим деб айтмайман. Кимки мени устозим деб билса, ўшани шогирд ҳисоблайман.

-Ҳар бир актёрнинг ижро этган роллари фарзандидек азиз ва қадрли. Ижро этган образларингиздан қай бири сиз учун энг қимматли?

-Ҳаммаси қадрли. Ижро этган ролларимга бу кичик эпизод, бу бош роль деб қарамайман. Хоҳ у катта, хоҳ у кичик бўлсин баробар меҳнат қиламан. У ёки бу касб эгасининг образини яратишимдан олдин, уларни кузатаман, яширин суҳбатлашаман, ўрганаман. Масалан, "Замонали-Омонали" спектаклида Ҳожи бобони ўйнаяпман. Буни ўйнаш учун чойхоналарга бориб, боболарни четдан кузатдим, уларнинг руҳиятини ўргандим.

-Танқидга муносабатингиз?

-Ижобий қарайман. Лекин санъатни чуқур билмасдан, уни ҳис этмасдан қилинган танқидни ёмон кўраман. Танқид чуқур таҳлилга эга бўлса, ундан нимадир олиш мумкин.

-Сиз машҳурликни қандай тушунасиз?

-Ўртамиёна жарроҳ, ўртамиёна санъаткор бўлишдан Аллоҳнинг ўзи асрасин. Мен тиббиёт билан санъатни бир-бирига ўхшатаман. Жарроҳга инсон ҳаётини, санъаткорга маънавиятни ишониб топширадилар. Машҳурлик ана шу ишончни бажариш машаққати демакдир.

-Файзулла ака, ижодингиз жараёнида театр билан чекланиб қолмадингиз...

-Гапингизни тушундим. Мен телевидение, радио, кинода ҳам ижод қилдим. Бир неча кўрсатув тайёрладик, мингдан ортиқ кинода овоз бердим. "Навоий", "Бобур", "Абадият қонуни", "Кўнгил кўчалари" каби қатор видеофильмларда суратга тушдим.

-Фарзандларингиздан бирортаси изингиздан борганми?

-4 та ўғил, 3 қизим бор. Ҳаммаси бошқа касб эгалари. Лекин катта ўғлимиз Баҳодиржон соз чалиб қўшиқ айтади.

-Орзуларингиз?

-Ижодкор маълум босқични босиб ўтгандан кейин ортига қараб: "Нималарни қилишга улгурдиму, нималарни қилолмадим" деб сарҳисоб қиларкан. Бирдан-бир орзуим, диёримиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги учун курашаётган фидойи инсон образини яратиш.

Суҳбатдош:
Саид РАҲМОНОВ

ҚАДРИЯТ

БЕБАҲО МЕРОС

Йилдан-йилга аждодларимизнинг бой мероси бўлган тарихий анъаналаримизга қизиқиш ортиб бормоқда.

Бинобарин, беқиёс маънавий хазинамизнинг бир бўлаги ҳисобланадиган халқ ўйинлари ҳам бугун бутун борлиғи билан ўрганишга, тикланишга ва тарғиб этилишга арзигулик.

Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубий маркази, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, Жиззах вилояти ҳокимлигининг маданият ишлари бошқармаси ҳамда жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган "Аждодлар мероси" республика ўқув семинари ҳам ана шу мавзуга бағишланди.

Таниқли олимлар ва маданият ходимларининг маърузаларидан маълум бўлдики, Фориш туманининг Қизилқум тепалигида бошланган халқ амалий ўйинлари бугун Ватанимизнинг ҳамма шаҳару қишлоқларига кириб бораётир. Энди уни ўрганиш ва кенг оммалаштиришни тўхтатиб қўймаслик лозим. Ёш авлодни ҳар томонлама чиниқтирувчи халқ амалий ўйинларини ўргатишни мактабгача тарбия муассасаларидан бошлаш мақсадга мувофиқ эканлиги анжумандаги чиқишларда қайта-қайта таъкидланди.

Анжуман фақат маърузадан иборат бўлгани йўқ. Аксинча, вилоятдаги "Зебохон" ва "Боғдон гуллари" халқ дасталари қатнашчиларининг халқ амалий ўйинлари руҳига йўғрилган жозибали қўшиқ ва рақслари даврага кўтаринкилик бахш этди.

Пойтахтдан келган профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида тайёрлаб намойиш этилган халқ ўйинлари дастури ҳам томошабинларнинг эътирофига сазовор бўлди.

Раҳматилла ЮНУСОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, фарғоналик кандакор уста Зокиржон Ғофуров кўплаб шогирдларига кандакорлик сирларидан сабоқ бериб келаётган ғамхўр мураббийдир. У ясаган кандакорлик буюмлари жаҳон кўргазмаларида юқори баҳоланган. Ҳозирги кунда Зокиржон Ғофуровнинг шогирдлари тайёрлаган турли нақшли кутича, офтоба, патнис ва лаганлар халқимизга манзур бўлмоқда.
СУРАТЛАРДА: кандакор уста шогирдлари даврасида.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

БАРЧА ЮРТДОШЛАР ДИҚҚАТИГА!

Республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири

Акциядорлик Тижорат "Пахта Банк"

2001 йил 20 декабрдан эътиборан 31 декабргача бўлган давр мобайнида, 6 ой муддатга очилиб, йиллик 50 фоиз даромад тўланадиган янги, бетакрор

"МУҚАДДАС ЗАМИН"
ОМОНАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Сиз ушбу омонатга бўш пул маблағларингизни "Пахта Банк"нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва омонат шартларига кўра фоизли даромадингизни биринчи бор қирқ беш кун ҳисобидан, кейингиларини эса ҳар ойда олиб боришингиз мумкин.

"Пахта Банк" Сизларнинг маблағларингиз кўпайишига кўмаклашади ва қўллаб-қувватлайди!

"Пахта Банк" фаровонлигингиз калитидир!

СПОРТ ОЛАМИДА

ТОШКЕНТЛИКЛАРНИНГ ҒАЛАБАСИ

Аввал хабар берганимиздек, Жиззах вилоятидаги олимпия заҳиралари коллежида ёшлар ўртасида ташкиллаштирилган енгил атлетика мусобақалари ниҳоясига етди.

Унда Тошкент шаҳри енгил атлетикачилари барча рақибларидан устун келиб ғолибликни қўлга киритишди.

ШАХМАТЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Пойтахтимиздаги республика шахмат-шашка клубида мамлакатимизнинг иқтидорли ёш шахматчилари иштирокида мусобақалар бўлиб ўтмоқда.

Шуниси қувончлики, ушбу мусобақаларда Антон Филлипов, Равшан Ҳусниддинов, Ирина Геворгян сингари умидли ёшларнинг қатнашаётганлиги турнирнинг қизиқарли ўтишини таъминламоқда.

ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ

ФИФА қарорига кўра, Португалия терма жамоаси ва Мадриднинг "Реал" клуби ярим ҳимоячиси Луиш Фигу тугаётган 2001 йилда "дунёнинг энг яхши ўйинчиси" дея эътироф этилди. Англия терма жамоаси аъзоси Дэвид Бекхэм ҳамда испаниялик моҳир ҳужумчи Раулар иккинчи ва учинчи ўринга лойиқ топилдилар.

1972 йилда Лиссабонда туғилган Фигу ўтган йили Европанинг "энг яхши футболчиси" деган номга сазовор бўлган эди.

"Мен бахтлиман ва шуни айтмоқчиманки, ўз жамоадошларим кўмагисиз мен бундай мукофотга сазовор бўла олмас эдим. Шу боис, уларга чексиз миннатдорчилик билдираман", деди Луиш Цюрихда ўтказилган тақдирлаш маросимида.

ОУЭН – ЕВРОПА ЮЛДУЗИ

"Ливерпул" ҳамда Англия терма жамоаси ҳужумчиси Майкл Оуэн Европада "2001 йилнинг энг яхши футболчиси" деган номни қўлга киритди.

Англия футболи тарихига назар ташласак, бундай номга сўнгги маротаба 1979 йили Кевин Киган сазовор бўлган эди. Иккинчи ўрин "Реал" ҳужумчиси Раулга, учинчи ўрин эса "Бавария" дарвозабони Оливер Канларга насиб этди. Жорий йилда "дунёнинг энг яхши иккинчи ўйинчиси" дея эътироф этилган Дэвид Бекхэм Европада тўртинчи ўринга лойиқ топилди.

КУРНИКОВА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

АҚШнинг Флорида штатида бўлиб ўтган россиялик теннисчи Анна Курникова ва америкалик Женифер Карпиаттилар ўртасидаги учрашувда 6:4, 7:5 ҳисоби қайд этилиб, рус ракетка устаси ғалаба қозонди.

Бироқ, Анна жароҳати туфайли ушбу мавсумда деярли иштирок этолмаганлиги боис, ҳозир жаҳоннинг энг яхши теннисчилари рўйхатида 71-ўринни эгаллаб турибди. Женифер эса бу йилги мавсумни WTA рейтинги бўйича 14-ўринда бошлаган бўлиб, АҚШ ва Уимблдон очиқ чемпионатларида финал босқичигача чиқишга эришган эди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 280-мактаб томонидан 1992 йил 20 июнда Ли Наталья Вячеславовна номига берилган А № 190919 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги томонидан 2001 йил 5 июнда № 910 қайд этиш ҳужжати билан Машарипов Машарип номига берилган № 0411994 рақамли хусусий патентнинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Гулистон шаҳридаги мактабгача тарбия-педагогика техникуми томонидан 1971 йилда Сулейманова Раъно Хожанбердиевна номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Туроб ҲОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Иқромжон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

МУАССИСЛАР:
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзпахтасаноат", "Ўзбек ипаги", Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси

Телефонлар:
Қабулхона - 133-09-93 (факс) 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари— 133-16-27, 133-44-43, котибият — 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар— 136-56-30 .

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-33-553-59; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган-8-369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32
Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.
Навбатчи: О.ҲАЙИТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2000 йил 8 августда №00006-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. | Буюртма Г— 3108, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.00 | Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | 123456.